



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Термиз давлат университети
“ЖАХОН ТАРИХИ ВА МАНБАШУНОСЛИК” КАФЕДРАСИ

Убайдуллаев Файзулло Насруллаевичнинг
5220200-тарих таълим йўналиши бўйича бакалавр даражасини
олиш учун

***“1990-2000 йилларда Ўзбекистон билан Хитой ўртасида
иқтисодий маданий алоқалар” мавзусидаги***

Битирув малакавий иши.

Раҳбар:

доц. Тиловов.Б.

Термиз 2011 йил

Термиз давлат университети кундузги бўлим ботирувчиси **Убайдуллаев Файзулло Насруллаевич**нинг 5220200-тарих (мамлакатлар ва минтақалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун **“1990-2000 йилларда Ўзбекистон билан Хитой ўртасида иқтисодий маданий алоқалар”** мавзусидаги битирув малакавий иши муаллифлик

АННОТАЦИЯСИ

Мавзунинг долзарблиги: Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги маданий иқтисодий сиёсий алоқалар қадимги даврларга бориб тақалади. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин Осиё давлатлари жумладан. Хитой билан ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришни давлатимиз олдида турган муҳим вазифалардан бири бўлди. Малакавий ишнинг долзарблиги шундаки ҳар иккала давлат ўртасида ҳамкорликни ривожлантириши учун давлат раҳбарларининг расмий визити билан учрашувлари бу масаланинг долзарблигини билдиради.

Ишнинг мақсади ва вазифалари: Ўзбекистон билан Хитой ўртасида дўстлик, ҳамкорлик масалаларини ёритиш асосий мақсад қилиб қўйилган вазифаси эса ҳар иккала давлат ўртасида ҳамкорлик қандай ривожланмоқда қандай ҳамкорликда кичик ва ўрта корхоналар қурилмоқда бу масалаларни ёритиб бериш мавзунинг бош вазифаси ҳисобланади.

Тадқиқот объекти ва предмети: Хитой халқ Республикаси ҳақида гап кетганда Хитой халқининг илмий-техник таффаури ҳақида гапирмасдан илож йўқ. Хитой қадимдан Хиой қоғози компаси ва ҳарбий ўқ-дорилар, сузувчи кўприklar, жаҳонда энг биринчи астрономик манбалардан ҳисобланувчи “Осмон жисмлари жадвали” қоғоз пуллар, илк банк кредити қабиаларни кашф қилган қадимги халқлардан биридир. Ана шундай буюк ихтиролар асосчиси бўлган Хитой халқи ҳам кўп йиллар бошқа давлатлар зулми остида бўлди.

Тадқиқот натижаларининг илмий жиҳатдан янгилик даражаси, амалий аҳамияти ва тадбири: Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин кўпгина давлатлар билан ҳамкорлик ўрнатиб келмоқда жумладан Хитой билан. Ишнинг илмийлиги тарихий фактларга асосланади. Мавзуга оид тарихий ҳужжатлар, газета ва журналларга таяниб, улардан олган маълумотларга асосланиб мавзунинг ёритамиз. айниқса ҳозирги даврда Хитой элчихонасидаги кўпгина газеталар мавжуд, журнал ва газеталарда чоп этилган мақолалардан фойдаланиб ёзиш орқали ишнинг илмийлигини янада бойитишга ҳаракат қиламан.

Ишнинг тузилиши ва таркиби: БМИши Кириш, 2 боб, 4 параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар қисмларига бўлинади

Олинган асосий натижалар:

Иқтисодий самарадорлиги: Мазкур битирув малакавий ишидан инновацион лойиҳалар тузишда, академик лицей ва коллежлар ҳамда мактаб ўқувчиларига илмий семинарлар ўтказишда фойдаланиш ва реализация қилиш мумкин.

Хулоса ва таклифлар: Ҳозирги кунда иккала давлатнинг ўзаро муносабатлари ушбу 1994 йилда қабул қилинган ва 1999 йилда қабул

қилинган “ўзаро дўстлик ва ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисида”ги Декларация асосида равноқ топиб келмоқда. Давлатларимиз ўртасида иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқалар фаол ҳамкорлик ўрнатилган. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, иккала давлат жуғрофий маънода-яқин қўшнилар сиёсий жихатдан ёхши дўст ва иқтисодий жихатдан ишончли шериклардир. Шак шубхасиз, бу икки давлат ўртасидаги дўстона алоқалар ва ўзаро фойдали ҳамкорликлар бундан кейин янада кенг ривож топиб бораверади. Бунинг имкониятлари эса чексиздир.

Раҳбар _____

Талаба _____

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Тарих факультети “Жахон тарихи ва манбашунослик” кафедраси
Йўналиш: Тарих

“Тасдиқлайман”

Факультет декани: доц.Э.Қобилов

“____” _____ 2011 йил

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ

Талаба _____

(фамилияси, исми, шарифи)

1. Ишнинг мавзуси: _____

«____» _____ 2011 йил ректорининг _____ сонли буйру-и билан тасдиқланган.

2. Ишни топшириш муддати _____

3. Мавзу бўйича дастлабки маълумотлар берувчи адабиётлар руйхати

4. Ишнинг мақсад ва ҳал қилинадиган масалалар:

5. Чизма қисми материаллари руйхати:

6. Маслаҳатчилар:

Бўлимлар	Маслаҳатчи Ф.И.Ш.	Имзо, сана	
		Топширик берди	Топширик қабул қилинди

Термиз давлат университети
Тарих факультети
Тарих бўлими «Жаҳон тарихи ва манбашунослик» кафедраси
№__ сонли йиғилиши баённомасидан

К Ў Ч И Р М А

«__»_____2011 йил

Термиз шаҳар

Кўрилган масала

1. Кундузги бўлим талабаларининг битирув малакавий ишларини ҳимояга тавсия этиш ҳақида.

Кафедра йиғилиши қарор қилади:

1.Убайдуллаев Файзуллонинг “1990-2000 йилларда Ўзбекистон билан Хитой ўртасида иқтисодий маданий алоқалар” мавзусидаги битирув малакавий иши ҳимояга тавсия қилинсин.

2. Ички тақризчи этиб т.ф.н.Ф.Ёрматов, ташқи тақризчи этиб, Тарих факултети декани, доц. Э.Қобиловлар тайинлансин.

Илмий раҳбар: доц.Б.Тилавов тайинлансин.

Йиғилиш раиси:

проф.С.Н.Турсунов

Котиба:

ўқ.Г.Аҳмедова.

***Мавзу: 1990-2000 йилларда Ўзбекистон билан Хитой ўртасида
иқтисодий маданий алоқалар.***

1. Кириш

I. БОБ Хитой кўхна цивилизация ва Шарқнинг алп давлати.

1§. Хитой феномени. Юқори технологиялар сари.

2§. Хитой қишлоқ хўжалигидаги ислоҳатлар ютиқлар муаммолар.

II. БОБ Ўзбекистон ва Хитой янги ислоҳатлар йўлида

1§. Азалий ва адабий ҳамкорлик йўлида

2§. Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги фан ва маданият соҳасидаги ўзаро алоқаларнинг янада ривожланиши.

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар.

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги: Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги маданий иқтисодий сиёсий алоқалар қадимги даврларга бориб тақалади. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин Осиё давлатлари жумладан. Хитой билан ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришни давлатимиз олдида турган муҳим вазифалардан бири бўлди. Малакавий ишнинг долзарблиги шундаки ҳар иккала давлат ўртасида ҳамкорликни ривожлантириши учун давлат раҳбарларининг расмий визити билан учрашувлари бу масаланинг долзарблигини билдиради.

Малакавий ишнинг мақсади ва вазифалари

Ўзбекистон билан Хитой ўртасида дўстлик, ҳамкорлик масалаларини ёритиш асосий мақсад қилиб қўйилган вазифаси эса ҳар иккала давлат ўртасида ҳамкорлик қандай ривожланмоқда қандай ҳамкорликда кичик ва ўрта корхоналар қурилмоқда бу масалаларни ёритиб бериш мавзунинг бош вазифаси ҳисобланади.

Ишнинг илмий янгилиги:

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин кўпгина давлатлар билан ҳамкорлик ўрнатиб келмоқда жумладан Хитой билан. Ишнинг илмийлиги тарихий фактларга асосланади. Мавзуга оид тарихий ҳужжатлар, газета ва журналларга таяниб, улардан олган маълумотларга асосланиб мавзунинг ёритамиз. айниқса ҳозирги даврда Хитой элчихонасидаги кўпгина газеталар мавжуд, журнал ва газеталарда чоп этилган мақолалардан фойдаланиб ёзиш орқали ишнинг илмийлигини янада бойитишга ҳаракат қиламан.

Хитой халқ Республикаси ҳақида гап кетганда Хитой халқининг илмий-техник таффақури ҳақида гапирмасдан илож йўқ. Хитой қадимдан Хитой қоғози компаси ва ҳарбий ўқ-дорилар, сузувчи кўприклар, жаҳонда энг биринчи астрономик манбалардан ҳисобланувчи “Осмон жисмлари жадвали” қоғоз пуллар, илк банк кредити қабиаларни кашф қилган қадимги халқлардан биридир. Ана шундай буюк ихтиролар асосчиси бўлган Хитой халқи ҳам кўп йиллар бошқа давлатлар зулми остида бўлди.

Мавзунинг амалий аҳамияти: XX аср бошларида келиб Хитой тарихида туб ўзгаришлар содир бўлган 1911 йилда Сунъ Ятсен бошчилигида Хитой халқи бошланган кураш туфайли 2000 йиллик феодал бошқарувига ҳамда мустабирликка барҳам берилди. Хитой “Республика” деб эълон қилиниб, бу кўхна заминда янги замонавий ҳаёт бошланди. Хитой Республикаси ҳақида гап кетганда унинг мутлоқ бетақрор яна икки жиҳати тўғрисида тўхтатилиб ўтиш зарур деб ўйлайман. Хитой ўз ҳудудининг кенглиги жиҳатидан дунёда-Россия ва Канададан кейинги 3-чи (9,6 млн км) йирик давлатдир. Бундан жиддий ўзига ҳослик томони-Хитойнинг 1 млрд 300 млнлик беҳад катта аҳолига эга суверен давлат эканлигидир. (Хитой ер юзи аҳолисининг 21 Ҳойизини ташкил этади) Хитойда ҳозирги кунда эллик олтита катта ва кичик миллатлар ҳамда элатлар истеҳкомат қилишади. Хитой 23 та провинция, бешта автоном туман ва 4 та марказий Лекин, Шанхай, Тяньцзинъ ва Чунцинга бўлинади. 1997 йилдан бошлаб Буюк Британиянинг колоняларидан бўлган Тонгконг ҳамда Хитой халқ Республикаси (ХХР) таркибига киритилади ва Сянган туманини номини олади. Хитойда яшовчиларнинг кўпчилиги ҳар хил динларга; даосизм, буддизм, христианлик ва исломга эътиқод қилишади. Пул бирлиги юан, унинг бирлиги фений деб юритилади.

Сўнгги йилларда ХХР ҳаётида оламшумул ўзгаришлар юз беряпти. Илгари тўқимачилик ва поябзал саноати маҳсулотлари Хитойнинг дунё бозоридаги рақобатдош товарлари бўлган бўлса, сўнгги йилларда бу мамлакатда маиший электроника, коммуникация воситалари фармацевтика саноати ва компьютер маҳсулотлари каби юқори техналогияли ишлаб чиқариш жабҳалари ҳам штоб билан ривожланди. Айниқса, информатика соҳасида кескин юксалишлар содир бўлмоқдаки, бу энди умуман ҳозирги даврнинг бош белгисидир. Электрон ва компьютер маҳсулотлари ишлаб чиқариши йўналишларида бу мамлакат ҳозирнинг ўзида биринчи ўринни эгаллаб турибди. Фақат мобиль телефонлар ишлаб чиқаришнинг ўзида ХХР си кейинги 10 йил ичида 3 минг баробар ўсиб, АҚШ ни қувиб ўтди. Ҳозирги

кунда хитойда машинасозлик саноати, айниқса, енгил автогабилсозлик тез ва кенг кўламда ривож топиб бораяпти. Бугунги кунда келиб ХХР да 120 дан ортиқ автомобиль заводлари ишлаб турибди. Уларнинг ҳар 4 сидан 1 тасида енгил автомобиллар ишлаб чиқарилмоқда. Бундай мисолида кўплаб кенлтириш мумкин.

Бугунги кунда инсоният Хитой, Япония ва бошқа ривожланган давлатлар мисолида шу нарсани англаб етдики, инсоният уруш ва ҳунрезлик билан эмас, балки бунёдкорлик майдонида ҳалол рақобат қила олган бахсга кириша олса, бунинг самараси бошқача бўлишига яъни фақат ер юзидаги ҳаётнинг ободонлиги ва фаровонлиги янада оширилиши евазига янада фаровонроқ яшаши мумкинлигини тобора кўпроқ англаб етмоқда. Хуллас ўтган XX-аср мобайнида XX ўзида мамлакатини ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, замонавий бозор инфратузилмаларини шакллантириши халқ моддий фаровонлигини ошириш соҳаларида беҳад улкан ютиқларга эришилди. Ана шундай улкан ўзгаришлар ва ютиқларга эришаётган давлат билан 1992 йилдан буён иқтисодий, маданий, савдо алоқаларини Ўзбекистон Республикасининг йўлга қўйиши бу иккала мамлакат ўртасидаги қадимдан мавжуд бўлган ушбу алоқаларни янада ривожлантириб келаётгани қувонарли ҳамдир. Айниқса жорий йилнинг (2005 йил 25-28 май) оyiда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Хитой халқ Республикасига қилган ташрифи бу икки давлат ўртасида мустақиллик йилларида буён 60 дан ортиқ шартномаларнинг имзоланиши ушбу малакавий ишимнинг бугунги кун учун долзарб мавзу эканлигини яна бир бор тасдиқлайди. Малакавий иш икки боб ва тўрт параграфдан иборат. 1-бобида ҳозирги ХХР сининг бугунги ва ўтилиши, эришмаётган қатор ютиқлари, илм-фан соҳасида, саноат, қишлоқ хўжалиги, маданият ва бошқа соҳаларда эришмаётган муваффақиятларини очиқ беришга ҳаракат қилдим. 2-бобда мустақил Ўзбекистон Республикасининг Хитой билан олиб борилаётган илмий-техникавий, иқтисодий, маданий алоқалар ва ҳамкорликда қўлга киритилаётган ютиқларини очиқ беришга ҳаракат қилдим.

БМИ тузилиши:

Кириш, 2 боб, 4 параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Адабиётлар таҳлили: Битирув малакавий ишни тайёрлаш жараёнида мавзуга доир кўпгина манбалар ва адабиётлар, оммавий ахборот воситалари нашрлари билан танишиб чиқдим. Айниқса Президентимиз асарлари, хусусан, “Юксак маънавият-енгилмас куч”, Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. 1992 й., Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. 1994 й., Каримов И.А. Ўзбекистон XX1 асрга интилмоқда. 1999 й., Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳаммамиз маъсулмиз. 2001 й. каби адабиётлар таҳлил қилинди. Шунингдек Туркистон, Халқ сўзи, Маърифат, Фидокор, Ишонч оммавий ахборот воситалари нашрларидан битирув малакавий ишни ёзишда фойдаланилди. Битирув малакавий иш мавзуси янги, илгари илмий тадқиқот ишлари муомаласида бўлмаган янги мавзу бўлганлиги сабабли, кўпроқ оммавий ахборот воситалари, газета ва журналлар, статистик маълумотлар ҳам таҳлил қилинди.

1.БОВ. Хитой кўхна цивилизация ва шарқнинг али давлати.

1.8 Хитой феномени. Юқори технологиялар сари.

Маълумки Шарқ қадимги Миср, Бобил, Хиндистон, Туркистон цивилизациялари билан машхур.

Хитой-ана шу ҳудудлар қаторида ер юзидаги цивилизациянинг яна бир кўхна бешикларидан бири саналади. Қадимги манбаларда айтилишича, тарихга назар ташлайдиган бўлсак, Хитойда давлат тушунчаси ва маданиятнинг бошланиши қирқ аср илгари бошланганлидан дарак беради. Қадимий салномаларда айтилишича мелоддан аввалги 2070 йилларда бу мамлакатда Ся деган ҳукумдор бочилигида илк давлат шакилланган экан. Унинг сулосаси деярли 400 йил Хитой давлатини бошқарган. Шундан кейинги ўтган деярли икки йил даврда яна ўнлаб ҳукумдорларнинг сулоалари Хитой давлатини бошқарганлар. Уларнинг тарихига оид афсоналар, ривоятлар халигача бу мамлакат адабиёти ва санъати намоёндаларининг ижодига илҳом бағишлаб келади.

Хитой ўтмиши тарихи ҳақида гапирадиган бўлсак яна битта қадимги Хитой тўхрисида алоҳида тўхталиб ўтиши ўринли бўлади. Бу-цин деган императордир. Уни-“Шихуанди” ҳам деб аталади. “Шихуанди”-биринчи император дегани. Император Цинь “Шихуанди” милoddан аввалги 221-207 йилларда Хитойда қудратли марказлашган давлатни ташкил қилган. Худди ана шу император ўн ийил ичида 300 мингдан кўпроқ лдамни Хитойнинг шимолида 5000 км масофага чўзилган машхур. Буюк Хитой деворини тиклашга сафарбар этган Дунёдаги 7 мўжизанинг бири сифатида машхур бу улкан тош-метин ва энг узун девор ҳозиргача салоҳият билан қад кўтариб турибди. Хитой тўғрисида яна гап кетганда Хитой тарихида “Баҳор”, “Куз” ҳамда “Жангари ҳукумдорлар” (милoddан аввалги 770-221 йиллар) деб ном қозонган ўзига хос даврлар ҳам бор. Бу тарихий деаорларда илм-фан, техника, ижтимоий фалсафий тафаккур ривожини мислсиз юксакликларга кўтарилган. Масалан, антик прецияда суқрот, Платон Аристотель сингари буюк файласуфлар пайдо бўлганидек, биз эслаган тарихий даврларда

Хитойда ҳам Конфуций, Лооцзи, Моцзи, Сюнцузи, Менцзу каби буюк донишмандлар майдонга чикиб, хар бири ўзининг фалсафий, илмий мактабини яратган. “фақат олимлар бахс киришсин”-Хитой алломаларининг шиори ана шундай бўлган. Улардан қолган бой ва нодир фалсафий илмий, сиёсий, таълимий-ахлоқий мерос бўлган фақат Хитойликларни эмас, балки бутун инсониятни мафтун этиб келмоқда. Яна бир ноёб тарихий ҳақиқат шуки, қадимги Хитой идмий-техник тафаккури яратган 4 та ихтиро-Хитой қоғози, китоб ноширлиги, мерос ва харбий ўқ-дорилари-инсоният ривожига кескин таъсир кўрсатган. Шунингдек, милоддан аввалги 1100 йилликда Хитойликлар сузувчи кўприкларни яратганлар. 475-221 йиллардак эса жаҳондаги энг биринчи астрониомик манбалардан хисобланувчи “Осмонжисмлари жадвалини” ҳам Хитой олимлари тузганлар¹. Қоғоз пуллар ҳам дастлаб шу ерда ксимф қилинган. Хатто илк банк кредити ҳам шу ерда жорий қилинган².

XX аср бошларига келиб Хитой тарихида туб ўзгаришлар содир бўлди. 1911 йилда Сунъ Ятсен рахномалигида хитой халқи болшанган кураш туфайли 2000 йиллик феодал бошқарувига ҳамда мустабидликка барҳам берилди. Хитой “Республика” деб эълон қилиниб, бу кўхна заминда янги замонавий ҳаёт бошланди. ХХР тўғрисида гап кетгандаунинг мутлоқа бетакрор яна икки жихати тўғрисида тўхталиб ўтиши жоиз. Хитой ўз худудининг кенглиги жихатидан дунёда-Россия (17075млн км²) ва Канада (9,971 млн км²) дан кейинги учунчи (Хитой 9,6 млн. км²) йирик мамлакатдир³. Бунданда жиддий ўзига хослик-Хитойнинг бир миллиард 300 миллионлик беҳад катта аҳолига энг супер давлат эканлигидир. (Хитой ер юзи ахолсининг 21 фоизини ташкил этади). Хитойдаги аҳолининг 92 фоизи-ханцилар. Улардан кейинги, нисбатан кўпсилликни ташкил этган миллатлар-муғиллар, Хуэйулар, тибетликлар ва уйғурлардир. Умуман ХХР сида хозирги кунда 56 та катта ва кичик миллат ҳамда элатлар яшашади. Ханци

¹ Халқ сўзи 2004 2 июнь

² Маърифат 2003 йил 10 сентябрь

³ Халқ сўзи 2004 йил 2 июнь

тили давлат тили хисобланади хитойдаги Хуэйцилар ва манжурлар ҳам ханци тилида сўзлашадилар. Қолган 53 миллион ва элатлар асосан ўз тилларида ўзаро муамола қилишади. Хитойда 20 дан кўпроқ миллат вакилларининг ўз миллий ёзувлари бор. Улар миллий мактабаларга адабиёт ва матбуот нашарларига эга давлат. Пойтахти пекинда 13 миллион аҳоли яшайди. Катта шаҳарлдари-Шанхай (14,2 млн), Тяньцзин (10 млн), Шэньян (6 млн)дир. Бу ХХР сининг ҳудудий бўлиниши 23 та провинция, бешта автоном туман ва 4 та марказий туман пекин, шанхай, Пяньцзинь ва Чунцинга бўлинади. 1997 йилдан бошлаб Буюк Британиянинг компанияларида бўлган Тонгконг ҳам ХХРсига киритилди ва Сянган тумани номини олди. Умумий яшовчиларнинг кўрлиги ҳар хил динларга эътиқод қилинади. Даосизм, буддизм христианлик ва ислом динларига эътиқод қилади. Пул бирлиги юан унинг бирлиги фений деб юритилади.

Сўнги йилларда ХХР си ҳаётида оламшмул ўзгаришлар юз беряпти. Бу феноментнинг сиру-синоати нимада? Қайдай қилиб Хитойликлар бугунги кучли замонавий тараққиёт топиб олдилар? Бу саволларга жавоб топиш учун ХХР сининг иккинчи жаҳон урушидан кейинги иқтисодий тараққиётига назар ташлашимизга тўғри келади.

ХХРси таўкил топган 1949 йилгача бу мамлакатда 445 т тола ип, 2,79 миллиард метр газлама, 61,88 млн тонна кўмир ҳосилдан йилларда 150 млн тоннагача дон ва 849 минг тоннагача пахта ҳосил этиштирилган эди.¹ 1949 йилнинг 1 октябрида ХХРси эълон қилинган ХХР ҳукуматининг Хитой Халқ Комунистик пратияси Марказий Қўмитаси раиси МСО Цзэ-дун (1893-1976) бошқарди. У 1958 йилда “катта сакраш” ХХР ни беш-ўн йил мобайнида дунёнинг иқтисодий ривожланган мамлакатлари қаторига олиб чиқишига керак эди. Халқ хўжалиги олдида амалда бажариб бўлмайдиган-чўян ва пўлпт эритишни, кўмир қазиб чиқаришни ва мунга ўхшашларни кескин кўпайтириши вазифалари қўйилган эди. Мамлакатда оммавий равишда иқтисодий домна печлари қуришга киришилди, аммо бу кичик печларда

¹ Халқ сўзи. 2004 йил 2 июнь

эритилган пўлат саноат истеъмоли учун яроқсиз бўлиб чиқди. қишлоқларда ишлаб чиқариш кооперативлари халқ коммуналларига айлантирилди, ер, дала, ховли ва хатто парранда, идиш-товоқ, рўзгор асбоб-анжомлари ҳам жамоа мулки бўлиб қолди. Шаҳар ва қишлоқларда бозорлар ёпилди. Норозиликнинг ҳар қандай кўриниши армия ва ҳавсизлик хизмати томонидан бостирилди. Кейинги йилларга келиб, “катта сакраш” сиёсати ўзини батамон оқлай олмади. 1960 йилларнинг охири бориб саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг сезиларли даражада пасайиб кетди. бу фалокат учун айб-мао Цзедун рақибларига-“оқсил партиявий гуруҳ” га юклатилди. Бироқ ҳаёт иқтисодий сиёсат тузатиш киритишни тақазо этди; эди иқтисодиётдаги асосий соҳа саноат эмас балки қишлоқ хўжалиги, деб эълон қилинди. Дехқонларга дала ховлилар қайтариб берилди, маҳсулотларни бозорларда сотишга рухсат этилди.¹ 1976 йилнинг сентябрида Мао Цзежун вафотида кейин янги раҳбариятда Ден Сяопик катта роль ўйнай бошлади. Энди бош йўл синфий курашга эмас, балки иқтисодий қурилишга йўналтирилди. 1978 йилдан эътиборан ХХР сида иқтисодий ислоҳат амалга оширила бошланди, энг аввал қишлоқ хўжалигидаги ишлар тартибга солиниб, “Халқ коммуналари” ўрнига оилавий қудрат жорий этилди; ер шарнома асосида деҳқонга берилар, ортиқча маҳсулотни у ўзи истаганча тасарруф этиш ҳуқуқига эга эди. Бу қишлоқ хўжалиги суръатини жадал ўсишига олиб келди. 1984 йилда ислоҳатнинг оғирлик маркази шаҳарлар зиммасига тушди. Корхоналарга янада кўпроқ ҳуқуқлар берилди, меҳнатга яраша ҳақ тўлаш принципи қайта тинланди. ХХРси иқтисодиётига хорижий сармояларни жалб қилиш учун эркин иқтисодий ҳуқуқлари барпо этилди, улар денгиз бўйи вилоятларида ташкил этилиб, чет эл капитали қуйилмалари учун қулай шароитлар яратади. Ислоҳатдан деҳқонлар, майда тадбиркорлар, тижоратчилар катта фойда кўрдилар. 1990 йилнинг бошига келиб, мамлакатда волость даражасида ва ундан юқори даражада 500 минг корхоналар ишлаб турди; улар орасида, сўнги маълумотларча қараганда йирик ва ўрта корхоналар миқдори 12272

¹ Энг янги тарих 11 синф дарслиги-Т “Ўқитувчи” 1995 йил 2009-210 бетлар

тага етган эди. ХХРси саноати конлар, электр станциялар, металлургия, нефть ва кимё саноати, автомобилсозлик ва кemasозлик корхоналарини бутмаш курбига эга эди. Электроника ва космик саноат каби ишлдаб чиқришнинг юксак технология тармоқларига келсак, улар бўйича Хитой ишлаб чиқаришининг баъзи бир кўрсаткичлари бўйича ҳам дунёда биринчи ўринларда (1990 йилларга келиб) турди. Масалан, хар йили 18,6 млрд метр ип газлама ишлаб чиқарилди. Биринчи ўрин 1,04 млрд тонна тошкўмир (биринчи ўрин), 137 млн тонна хом нефть (бешинчи ўрин) қазиб олиниб ишланди. 580 миллиард киловатт-соат электр энергия (4-чи ўрин) ҳосил қилинди. 61,24 миллион тонна пўлат (4-чи ўрин) эритиб олинди. 207 млн тонна цемент (1-чи ўрин) олинди.¹

Хитой иқтисодни модернизация² (замонавий) ишида ташқи дунё билан алоқаларни кенгайтиришга муҳим ўрин ажратди. Мамлакат жанубга 4 та- зона хорижий сармояни жалб этиши учун малажланган алоҳида туманларнинг барпо этилиши унинг муҳим элементи бўлди. Хорижий сармоядорлар у ерда солиқ солинишида (экспортга келувчи маҳсулот ундан бутулай озод қилинди) Корхоналарни бошқариш, иш кучи танлаш ва ишчи ҳамда хизматчиларни бўшатиш, шунингдек, зонада ишлаб топилган маблағларни хорижга ўтказишда катта имтиёزلардан фойдаландилар.

Хорижий сармоялар учун денгиз соҳилидаги 14 та шаҳар очиб қўйилди, уларга ҳам солиқдаги имтиёзлар жорий этилди. шанхайнинг бутун тумани очик шаҳар деб эълон қилиниши янги дарёси хавзасидаги иқтисодий ривожланиш ва халқаро ҳамкорлик ҳажмларини кўпайтириш учун қудратли туртки бўлди. Умумий ҳажми 200 млн доллар бўлган хорижий сармоя иштирокида кам деганда 100 та объектлар барпо этиши ақида қарор қабул қилинди. хитойда электрника, электромеханика ва авиация саноати, приборсозлик, синтетик материаллар ва кимёвий тола ишлаб чиқариши сингари тармоқлар жуда тезлик билан ривожлана бошлади. 6-чи беш йиллик

¹ К.Н.Косачёв. хитой; иқтисодий ислохатлар йўлида инсон ва сиёсат журнали 1991 йил, 5-сон, 85-86 бетлар.

² Французча-замонавий деган. Қисқача сиёсат луғати. Т. "Ўзбекистон" 1983й 220 бет

(1981-1985 й) якунлангандан сўнг Хитой 6800 дан ортиқ дастурда юксак илмий-техника натижаларига эришди. Шу вақт ичида мамлакатда 27 млрд америка долларидан ортиқ суммада хорижий илғор техникалар олиб келинди. Синъяда агентлигининг фикрича Хитойнинг очик эшиклари сиёсатида янги тенденция пайдо бўлди: нуқул импорт ва экспортни кенгайтириш, хорижий сармоя ва техника олиш амалиётидан халқаро меҳнат тақсимоотида, ишлаб чиқариш ва хўжалик юритишда, ташқи алоқаларни кенгайтиришнинг асосий шакиллари сифатида икки томонлама ёки кўп томонлама техник-иқтисодий ҳамкорлик ва айрбошлашнинг ривожлантиришда восита иштирок этишга ўтиши омилга оширилмоқда. “ишлаб чиқаришни байналминаллаштириш жараёнини фаоллаштириш” таклифи циньхуандоо мшахрида ўтган (1990 й) тематик симпозиумда янграйди, унда мамлакат халқ хўжалиги турли тармоқлари ва ташқи савдо ташкилаотларининг вакиллари иштирок этдилар. ХХРси 1979 йилдан бошлаб хорижга маблағ чиқариш бошлади. 10 йил ўтгач у ерда 645 та корхона барпо этилди. Шундай бўлсада бу корхоналарнинг биронтаси ҳам “трансмиллий корхоналар” тоифасига кирмади.

Синьхуа агентлигининг хабар беришича 1990 йил сентябрь ўрталарида келаб, мамлакатда ихтисослаштирилган жуда йирик саноат ва савдо банки хисобидаги шаҳарликлар пул маблағи 280 млрд юанни ташкил этди. Истеъмол талабини рағбатлантириш учун процентстовкалари пасайтирилди. Умуман ислоҳ натижаси мустақил хўжалик бирликлари сифатида давлат корхоналари фаолиятининг янада самарали механизмини барпо этиш горизантал хўжалик бирлашмаларини янада ривожлантириш, молия-банк системасини ислоҳ қилишни жадаллаштириш, ишлаб чиқариш воситалари бозорларини кенгайтириши, корхоналарда меҳнатга ҳақ тўлаш ва капитал маблағларни бошқариш методлари системасини аста-секин ўзгариш ҳамда такомиллаштириш унинг яқин истиқболдаги вазифалари хисобланади.

1991 йилнинг январида хитой комунистик Партия 2000 йилга қадар бўлган 10 йилликда ва шу йилдан бошлаб 8 чи беш йиллик мобайнида

иқтисодий ҳамда ижтимоий соҳани ривожлантиришга доир тавсиялар эълон қилинди. Ялпи миллий даромадни 1980 йилга тақсимланганда 4 хисса оширилди (аҳоли жон бошига минг доллар) эришиш, XXI асрнинг ўрталарига келиб эса 200 йилга қийсанганда яна 4 баробар ошириш мўлжалланди. XXI аср бошларига келаб Хитой саноатида тўб ўзгаришлар яна вайтадан рўй бера бошлади. Илгари тўқимачилик ва поябзал саонати маҳсулотлари Хитойнинг дунё бозоридаги рақобатбардош товарлари бўлган бўлса сўнгги йилларда бу мамлакатда маиший электроника, коммуникация воситалари, фармацевтика каби юқори технологияли ишлаб чиқариш жабхалари ҳам штоб билан ривожланди. Бугун Хитой ишлаб чиқариш тузилмалари стратегик ўзгаришлар босқичини бошидан кечирмоқда. Айниқса, информатика соҳасида кескин юксалишлар содир бўлмоқдаги, бу энди умуман ҳозирги даврнинг бош белгисидир. Электрон ва компютер маҳсулотлари эса бу мамлакат ҳозирнинг ўзида 1 си ўринни эгаллаб тқрибди. фақат мобиль телефонлар ишлаб чиқаришнинг ўзида ХХРси кейинги 10 йил ичида 3 млн баробар ўсиб, АҚШ ни қувиб ўтди.

Ҳозирги кунда ХХР сида машинасозлик саноати, айниқса енгил автомобилсозлик тз ва кенг қўламда ривож топиб бормоқда. Бугунги кунда келиб ХХР да 120 дан ортиқ автомобиль заводлари ишлаб турибди. Уларнинг ҳар 4сидан бирига енгил автомобиллар ишлаб чиқарилмоқда. 2003 4,4 млн дона автомобиль тайёрлашда эришилган бўлса, 2004 йилда бу рақам 10 млнга етказиш кўзда тутилди. Йирик Хитой давлати компаниялари автомобильсозликка борган сайин кўпроқ сармоя ажратмоқда. Хитойда ҳар бир киши автомобиль қийматининг 20 фоизини тўлаб, уни харид қилиши мумкин. Қолга 80 фоизини 8 йил давомида узиб боради. Шу боисдан Хитойда енгил автомобильли фцқаролар тобора кўпаймоқда.

Хитойда ҳозирги кунда бешта алоида эркин иқтисодий ҳудудлар фаолият кўрсатапти., Джу Хай, Шань-Тоу, Шла-Мень ва Шанхай шаҳарларидаги Гудун тумани мавжуд. Шулардан шаҳри иқтисодий ҳудуди тўғрисида мисол келтирадиган бўлсак, Шэн Чжэнь шаҳри вужудга

келишининг ўзи алоҳида иборатлидир¹. У жанубий Хитой денгизининг бўйида Сянган (Тонгконг)га нисбатан иқтисодиёт ва замонавий шаҳарсозлик йўналишларида рақобатчи бир шаҳар тарзида вужудга келтирилган. Бошқача айтганда, у хитой ва Хорижий дунё ўртасидабунёдкорлик соҳасидаги бахсда туғилган бир мўъжизадир. Инсоният уруш, хунрезликда эмас, балки бунёдкорлик майдонида ҳалол рақобат қилса, бахсга киришса, бунинг самараси бошқача бўлишига яъни фақат ер юзидаги ҳаётнинг ободонлиги ва фаравонлигини янада ошириши бир далилдир. Шэнчжэнь шаҳри ўрнида бундан 20 йил олдин 20минг нафар балиқчи яшаган бир қишлоқ бўлган ҳозирги кунда бу ерда 327,5 квадрат километр майдонда 5,5 млн аҳолиси бор, энг илғор замонавий меъморчилик намунасига айланган, юксак даражада тараққий этган шаҳар қад ростлаб турибди. Шэнчжэнь шаҳрида “Юқори технологияли индустриал парк” мавжуд. Корхона 1996 йили ташкил топган 11,5 кв км майдонни эгаллайди. 2003 йилда корхонанинг экспортдан олган даромади 5,2 млн АҚШ долларини ташкил этди. Шубҳасиз бу корхона бихнес тараққиёти учун бой заминга айланган. Бу ерда 1300 та корхона ва компаниялар мавжуд бўлиб, улрда 78 минг ходим меҳнат қилади. Улар орасида мингдан кўпроқ фан номзодлари бор. Ходимларнинг 50% олий маълумоти мутахассислардир. Мазкур паркда энг сўнгги моделдаги компьютерлар, тиббиёт ва фармацевтика жиҳозлари ишлаб чиқарилади. Булардан ташқари, 40та марказ фаолият олиб борапти.

Хитой халқ ҳукумати ушбу паркни ривожлантириш мақсадида 100 млн юань миқдорида маблағ ажратди. Бугун ана шу парк замонавий илмий-амалий тафаккурнинг ноёб неъматларини бермоқда. Хусуан, АҚШ ўтган 2003 йилда 2 млрд доллар хажмида худди шу паркда ишлаб чиқариладиган сўнгги моделдаги компьютерларни сотиб олинди.

2004 йилнинг март ойида эса франция ҳукумати ушбу парк бошқаруви билан янги моделдаги телевизорларни ишлаб чиқариш бўйича шартнома имзоланди. АҚШ ҳам Индонезия ва Малайзидаги компьютерлар ишлаб

¹ Халқ сўзи 2004 йил 2 июнь

чиқарадиган қўшма корхонларни ёпиб, молиявий улушларини Хитойнинг мана шу паркига сарфламоқда. 2003 йил Шэнчжэньдаги мазкур технологиялар корхонаси махсулотининг экспорти 600 миллион АҚШ доллари ташқил этди.¹

Шэнчжэньдаги юксак замонавий тараққиёт Хитой иқтисодиётидаги либераллашув, очик эшиклар сисати нақадар улкан самаралар бераётганлигини яна бир қарра исботлайди.

Шанхай-Хитойнинг энг йирик саноатлашган шаҳри ҳисобланади ва мамлакатнинг миллий, иқтисодий ҳамда сиёсий ҳаётида жуда катта роль ўйнайди. Шаҳар маъмурий жаҳатдан 10 та туманга бўлинган. Шанхай ҳозирда бир қадар иқтисодий кўрсаткичлар бўйича Хитой ҳаётида етакчи ўрин тутди. Буни қуйидаги далиллар ҳам мисолида кўришимиз мумкин.

Географик жиҳатдан қулай ўринга эга бўлган Шанхай шаҳри аynи пайтда йирик порт шаҳри бўлиб, юк айланмаси бўйича жаҳонда 5 чи ўринда туради. Хорижий сармояни жалб этишда ҳам мамлакатда етакчи ўринни эгаллайди. 2002 йилдан буён 53 млрд доллар миқдорида шартнома инвестицияси жалб қилинган.

Шанхайнинг иқтисодий нуфузишунда ҳам кўринадик, жаҳондаги 500 дан ортиқ йирик транс миллий компанияларнинг яримидан кўпи бу ерда ўз филиалларини очган. 1990 йилгача қишлоқ хўжалиги махсулотлари етиштирувчи оддий қишлоқ бўлган шаҳарнинг янги тумани бутун мамлакатдаги йирик ва жадал суръатда ривожланиб бораётган эркин иқтисодий ҳудуд саналади. Охириги ўн йилда бу туман йиллик иқтисодий ўсишни 16 фоиз даражасида сақлаб келаётгани билан ҳам машғур. 2001 йилда шу биргина туманнинг ялпи ички махсулоти ҳажми 13 млрд долларни ташқил этади. У ҳозирда шанхайнинг ўзидан ҳам катта ҳудудга энг бўлиб кетди.

1990 йили ХХР си Шанхай шаҳрини дунёдаги йирик иқтисодий, молиявий, савло марказларидан бирига айлантириш мақсадида Гудун

¹ Халқ сўзи. 2004 йил 2 июнь

туманини ташкил этиш ва ривожлантиришни расмий эълон қилди. Нисбатан қисқа вақт ичида гудун иқтисодиёти ва савдо соҳаларида тараққиёт олиб боровчи ўнлаб мулътимиллий компаниялар ривожланиши учун замин бўлди. Бу туманда ҳозирда жуда кўп маҳаллий ва хорижий корхоналар фаолияти юритади. Жумладан, жаҳоннинг 98 та мамлакат ва минтақалари вакиллари тадқиқотлар олиб боришмоқда улар айнан шу туманда катта ҳажмдаги капитал оқими оқиб келишига тўртки бўлаяпти. Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСП)нинг маълумитларига қараганда ХХРси ҳозирги кунда товарлар импорти бўйича жаҳонда учунчи, экспорт қилиш, бўйича эса 4 чи ўринга чиқиб олди.¹ Ҳозирги ХХРсининг экспорт салоҳияти жуда юқорилаб бормоқда. Биргина 1997 йилнинг ўзида бу рақам 182,7 млрд долларни кўрсатган эди. Ўша йили ХХРсининг ташқи савдо кўрсаткичи билан дунёнинг 3-чи ўринга кўтарилган эди.² Хитойнинг асосий савдо ҳамкорлари япония АҚШ ва Жанубий Кореядир. Хитойнинг иқтисодий қурилмаси ҳам шунчалик пухта ишлаб чиқилган-ки, унинг атрофидаги давлатлар инқирозга учраганда ҳам унга таъсир кўрсата олмайди. Масалан, 1997 йилдаги асиёнинг жануби-шарқий инқирозига унинг иқтисодий ўсиши сқаланиб қолган эди.

ХХР сининг хорижий сармояларидан фойдаланиш ҳажми 2003 йили 53,50млрд АҚШ долларини ташкил этди.³ Хуллас ўтган чорак аср давомида ХХР сида мамлакатни ижтимоий –иқтисодий тараққий эттириш, замонавий бозор инфратузилмаларини шакиллантириш, халқ моддий фарованлигини ошириш соҳаларида беҳад улкан ютиқларга эришди.

ХХР си ҳукумати томонидан ишлаб чиқилган 2020 йилгача мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига кўра, Хитойни саноатлаштиришнинг янги лойихаси амалга оширилмоқда. Хитойда юқори илмий ва техникавий асосларга таянган ишлаб чиқариш бўлди. Юксак иқтисодий самардаорлик, энг кам миқдорлардаги сарф-харажат, атроф-муҳит

¹ Халқ сўзи 2004 йил 9 июнь

² Маърифат 2003 йил 10 сентябр

³ Халқ сўзи 2004 йил 9 июнь

тозалашни юқори даражада сақлаш инсон омиллари ва салоҳиятини ҳар тарафлама Хитой ишлаб чиқаришнинг келажаги ҳос тамоиллардир.

ХХР сидаги иқтисодий тараққиётни илм-фан соҳасидаги улкан ютиқларсиз тасаввур этиб бўлмайди. ХХРси ҳукумати “Юқори техналогияларни ривожлантириш дастури тезислари” номли анча салмоқли бўлган ҳужжатни қабул қилган. Мана шу ҳужжатда белгиланган ғояларни амалга ошириш жараёнида юқори технология муаммолари билан шуғулланувчи омиллари янги авлодлар пайдо бўлди. Ҳукумат қароридан кейинги ўтган қисқа вақт мобайнида 10 мингдан ортиқ олим шу нўналишда докторлик ва фан номзодлиги илмий ишларини химоя қилишди. Юз мингдан ортиқ олий малакали мутахассислар илмий-тадқиқот муассасаларидан, корхоналарда ишлашмоқда. Мамлакатда 25 та халқаро даражадаги илмий марказлар вужудга келди. Уларнинг орасида микросхемалар тизимини яратиш бўйича илмий тажриба маркази, яъни лаборатория, тажриба тизимлари, илмий ютиқларини амалиётга жорий этувчи корхоналар мавжуд. Юқори технологиялар тадқиқотчилиги соҳасида хитойлик олимлар йигирмадан кўпроқ давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган. ХХР си олимлари халқаро ҳамкорлик доирасида инсон геномининг тузилиши тадқиқотлари билан ҳам шуғулланаяпдилар. Улар шунингдек, денгиз ва океанларда 6 минг метр чуқурликда ишлайдиган работларни яратадилар¹ Хитой олимларининг аэрокосмик техника соҳасидаги ютиқлари туқайли ХХР дунёдаги йирик космик техника мамлакатлардан бири айланди.² ХХР сининг таълим соҳаси ҳам жуда тараққий қилган ҳисобланади. Мамлакатда 1949 йилда 200 миллион аҳоли саводсиз бўлган бўлса, 1996 йилга келиб, мактабларда 98,9 фоиз болалар таълим олишга эришилди. ХХР сида мингга яқин олий ўқув юртлари мавжуд бўлиб, уларнинг энг йириклари Пекин унивеситети, Цинхуа политехника институти, Фудань Университети, Нонкин университетларидир.

¹ Халқ сўзи 2004 9 июнь

² Халқ сўзи 2004 йил 3 июнь

Хозирда ХХР сида 700 га яқин кундалик газеталар чоп этилиб туради. (Бу газеталарнинг деярли 80фоизи АҚШ дан олиб келинадиган маиший чиқинди қоғозларини қайта ишлаш орқали қоғоз билан таъминлаганди)⁴ улардан энг катталари “Женьшиб Жиabo” (5 миллион) “Пуанмин Жиabo” (таълим ва маданият газетаси 6 миллион) , “Изефануэюнь бао” (харбий газета 1,6 миллион), Хитой халқ Республикасида иккита катта ахбарот агентликлари бор. Улар Синхуа ахбарот агентлиги. У Хитойнинг ички маълумотларига доир ахбаротларни тарқатади. Чжунгу ахбарот агентлиги эса жахон ахбаротларини тарақатиб келмокда.⁵

⁴ 2004 йилги маълумот (телевизордан ёзиб олинди)

⁵ Маърифат 2003 йил 10 сентябрь

§2. Хитой қишлоқ хўжалигидаги ислоҳатлар: ютиқлар, муаммолар.

Хитой Халқ Республикаси ер юзасидаги деҳқончиликка яроқли ер майдонларининг атиги 7 фоизига эга бўлган ҳолда ХХРси инсониятнинг бир қисмини, яъни 21фоизини боқаяпти ва имкон қадар иш билан таъминлаяпти. Ёки Хитойда ялпи ички маҳсулот ҳажми йўлига ўрта ҳисобда 9,5 фоизини ташкил этмоқда. Ёки ХХРсидан ялпи ички маҳсулот ҳажми йўлига ўрта ҳисобда 9,5 фоизини ташкил этаяпти. Бу дунёдаги энг юқори иқтисодий ўсиш кўрсаткичидир. ХХРси бугун энг замонавий техника ва энг юқори технологиялар мамлакатига айланиб бормоқда. Бундай улкан ютиқлар эса дунёда ХХР сига бўлган қизиқишини янада кучайтириб юборди. Ҳатто “Хитой феномени” деган ибора ҳам (юқорида таъкидлаганимиздек) пайдо бўлди. ХХР си ташкил топган 1949 йилга қадар бу мамлакатда энг ҳосилдор ерларда 150 миллион тоннагача дон ва 849 минг тоннагача пахта ҳосили етиштирилган.¹ Орадан 50 йил ўтиб, ХХРси дунёдаги улкан салоҳияти цирик иқтисодиёт ўлкасига айланди. Қандай қилиб?

Маълумки, ХХРси 1950-1980 йилларда юқоридан режалаштириладиган иқтисодиётни юритиб келди.

Бироқ бундай тартиб иқтисодиётнинг эркин ва ўз қонунлари асосида ривожланиш салоҳиятини чеклаб қўйилди. 1970 йиллар охирида ХХРси ҳукумати раҳбарияти дунё ва Хитой иқтисодиёти ўртасидаги узилишига жиддий эътиборни қаратадилар ва иқтисодий ривожланишнинг эркинлаштириш (либераллаштириш) сиёсатини танладилар.

Ислоҳатлар, аввало 1978 йилда қишлоқлардан бошланди. Одамларда ер ва мулк учун маъсулият ҳис-туйғусини ошириш йўлидан борилди. Деҳқончиликда оилавий қудрат усули қўлланила бошланди. Деҳқонлар ерга шахсан эгалик қилиб қишлоқ хўжалик меҳнатини ва қанақа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни ўзлари эркин, мустақил ҳал эта бошлашди.

¹ Халқ сўзи 2004 йил 2 июнь

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг нархларини юқоридан белгилаш барҳам топди. Умуман малакатда барча товарларнинг олди-сотиси халқнинг ўзига эркин қўйиб берилди.

Хитойда кўп тармоқли қишлоқ хўжалиги пайдо бўлди, ўзига ҳос посёлка-волост қишлоқ хўжалик уюшмалари вужудга келди. яъни тарқоқ, турли одамларга қарашли ер майдонлари бирон тадбиркор ёки жамоа томонидан ижарага олиниб ёки пай усулида бирлаштирилиб, ер майдонларининг имкониятлари кучайтирилди. Бундай рларни эса сув билан таъминлашда муаммо бўлмайди, техника билан ишлаш осонлашади, замонавий дехқончилик технологияларига йўл очилади.

Қишлоқдаги ислохатлар майда гуруҳлар кудратига ўтилишини англатди. Аввалига кудратларни асосан дехқон хонадонлари гуруҳларига беркитиб қўйиш ўйланган эди. хонадаон ёки оила кудратини фавқулодда ҳоллардагина мақул деб ҳисобланган эди, амалда еса айни у ҳукумрон мавқени эгаллади.

Агар 1980 йил охирида ишлаб чиқариш бригадаларининг 15 фойизи оила кудрати билан қамраб олинган бўлса, 1984 йилдаёқ у бригадаларнинг 98 та дехқон хонадонларининг 94 фойизининг қамради. Дехқон хонадонига беркитиладиган ер участкаси оила миқдори ва ундаги меҳнатга қобилиятли аъзолар сонига боғлиқ эди.¹ Хар бир оила давлатга барқарор харид нархи бўйича майян миқдорда маҳсулот сотиши, қишлоқ хўжалик солиғи тўлаши ва бригаданинг жамоа фондига бадал ўтказиши керак. Қолган маҳсулотни дехқонлар давлатга режадан ташқари анча юқори харид нархида сотардилар ёки эркин бозорда пуллардилар. Маҳсулот етиштиришни кўпайтириш учун рағбат пайдо бўлди хўжалик маҳсулоти турлари кўпчиликини харид нархаларининг анчагина миқдорда ўртача 1,5 баровар оширилиши дехқонларнинг моддий манфатдорлигини кучайтирди. Олтинчи беш йиллик

¹ М.Н.Косачёв Хитой иқтисодий ислохатлар йўлидан инсон ва сиёсат 1991 йил 9 сон 82 бет.

(1981-1985 йиллар) да ўртача йиллик йиғиб олингандан аввалги 5 йилликдагидан 65 млн тонна кп бўлди.¹

1980 йилларнинг ўрталарига келиб ХХР сида қишлоқ хўжалигидаги вазият принцип жихатидан ўзгарди. Очлик ва аҳоли анча қисмининг ўқтиг-ўқтин овқат емаслигига асосан барҳам берилди, Истемол молларига бўлган карточкаларнинг кўпи бекор қилинди, мамлакат дон ва тахтанинг экспортерига сайланди (1986 йили мамлакатдан 9,4 миллион тонна маккажўхори ва шоли олиб кетилди ва 7,7 миллион тонна буғдой олиб келинди). Оила қудратига ўтиш ишлаб чиқариш муносабатларининг характери ва хитой қишлоғи қиёфасининг ўзини тубдан ўзгартирди. Дастлабки йилларда бригадалар ихтиёрида анчагина ташкилий, хўжалик ва ижтимоий функциялар сақланиб турди. Бригадалар қудрат системаси орқали давлат харид режаларини реализация қилдилар, умумий хўжалик ишлари бажаришини таъминладилар. Майда саноат корхоналарини, мактабгача муассасалар, ўрта таълим соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот системаларини бошқариш ҳам уларнинг ихтиёрида эди. 1983 йилдан бошлаб ерни деҳқон хонадаонларига беркитиш муддати уч йилдан ўн беш йилгача чўзилди. Яъни қудрат муносабатлари узоқ муддатли тус олди. 1985 йилда қишлоқ хўжалик махсулотини энг муҳим турларининг мажбурий давлат хариди бекор қилинди, бу харид деҳқон хонадаонлари билан тузиладиган шартномалар асосида амалга оширила бошлади. Техниканинг катта қисми ҳам деҳқонларнинг хусусий мулки бўлиб қолди. Натижада давлат томонидан бозорни бошқариш функциялари ва билвосита иқтисодий воситалар кучайгани ҳамда ишлаб чиқариш бригадаларининг ташкилий хўжалик функциялари анча заифланади. Қишлоқда ташкил этилган маҳаллий ҳокимият органлари (қишлоқ аҳолиси комитетлари) ана шу функцияларни бажара бошлад, ишлаб чиқариш биригадалри эса кўп ҳоларда умуман тугатилди. Бошқарув принциплари ва шакиллари ўзгарди. Хаддан ташқари марказлаштирилган қуйи идоралар

¹ М.Н.Касачёв Хитой: иқтисодий ислохотлар йўлидан. Инсон ва сиёсат 1991 йил 5 июнь 82 бет

юқори ижоралар қатъиян бўйсунган ижтимоий ишлаб чиқаришни қаттиқ регментлаган ва назорат қилган структура тугатилди. Нисбатан мустақил ва такрор майда ишлаб чиқарувчилар системаси юзага келди. Хитой комунистик партиясининг аграр сиёсати дехқонларнинг хилма-хил ишлаб чиқариш ташкилотларига ихтиёрий бирлашувини рағбарлантиришни кўзда тутди. Бу эса ўзига хос “такрор” кооперация ғояга кўра қишлоқдаги ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши даражасига мувоффиқ амалга оширилиши аввал кўринганидек ишлаб чиқаришни расманома умумлаштиришга олиб келмаслиги керак эди. Шу сабабли дехқонларнинг хўжалик бирлашмалрини барпо этиш жараёни мажбурлаб жадалаштирилмади ва укадар йиллар давомида секин борди.

1985 йилда мамлакатда мамлакатда 485 мингта янги хўжалик бирлашмалари бўлиб, уларда 4,2 миллион дехқонлар иштирок этишди. Бу бирлашмалар ғоя хилма-хил бўлиб, асосан ноишлаб чиқариш соҳасида тузилган эди. уларга нисбатан, аслини олганда, давлат ҳеч қандай ягона мақсадни кўзловчи сиёсат ўтказилмаган. Хитой комунистик Партияси марказий қўмитасининг “Қишлоқда ғозирги иқтисодий сиёсатининг баъзи масалалари” деган қарорига (1983 январь қудрат системасининг чуқурлаштириш ва тадбиркорликнинг турли шакиллари ривожлантириш учун етарли кенг имкониятларнинг очиб берди. Дехқончиликка ихтисослашган хонадаонларга ерни муайян ҳақ тўлагач (товар, хизмат кўрсатиш кўринишида, лекин сотиш эмас, уни қонун таъқиқлаган) беришга рухсат этилди. Бу эса ишлаб чиқаришни оқилона жонлаш учун шарт-шарроит яратди. Зеро меҳнатнинг техника билан мавжуд жихозланишида Хитой дехқони салкам икки гектор ерни ишлашга қодир эди, қудратда олинган гектор ер эса кўпинча бир гектордан ошмас эди. айниқса чорвачилик маҳсулоти ва сувдан олинадиган маҳсулотга давлат чакана нархлари оширилади. Аҳолини таъминлашда бозор савдосининг ҳиссаси ўсди, у ерда нарх-наво, одатда давлатникидан 40-50 фоиз юқоридир. 1985 йилдан бошлаб, кўп товарлардан чекланган бозор нархалари олиб ташланди. Умуман олганда

1980 йиллар ўртасида дондан ташқари озиқ-овқат моллари нархи ўртача тахминан учдан бир хиссага ошди. 1985 йилнинг биринчи яримидаги пекин бозорларидаги нарх-наво камида ўттиз фоиз баъзи тансиқ овқатларнинг икки-уч баровар ошди. Пекинда ва баъзи бошқа шаҳарда маҳаллий ҳокимият органлари иш ҳақиға нарх ошишини бир қадар компенсацияловчи махсус устамалар жорий қилишға мажбур бўлдилар. Озиқ-овқат чака нархларнинг ошиши меҳнаткашлар дароматларининг тез кўпайиши билан бир вақтда юз бердики, натижада аҳолининг турмуш даражаси умуман олган пасаймади. Лекин ХХРси аҳолиси нисбатан озчилик қисмининг реал харид қилиш қобияти хар холда камайди.

Бундан ташқари узоқ вақт барқарор бўлиб келган нархларнинг ошиши фактнинг ўзи меҳнаткашларнинг салбий муносабатига сабабчи бўлди ва жамиятда, хусусан шаҳар билан қишлоқ ўртаида кўшимча кескинликни ярашди. Нархларнинг бундай бошқариш йўли билан қишлоқ хўжалигидаги номутонасибликни янада заифлаштириш жиддий ижтимоий чигалликларга олиб келиши мумкинлиги сабабли давлат жараёни тўхтатиб қўйишға мажбур бўлди.

1990 йилда 72 мингдан ортиқ бозор бўлиб, уларнинг йирик савдо обороти 190 миллиард юанга яқинлашди. Бу эса ХХР си бутун товар оборотининг йигирма бир фоизини ташкил этди. Қиёслаш учун таъкидлаш мумкинки, 1983 йилда улар атиги 48 минта эди ва улар беш баробар кам мол сотган. 1990 йилға келиб бозорларда мамлакатда етиштирилган амма сабзаводларнинг 70 фоизгача қисми, бир қатор бошқа озиқ-овқат махсулотлари реализация қилинди. 1990 йилнинг биринчи ярмида бозор нархлари уч-тўрт фоизпасайди.

Айни вақтда шуни таъкидлаб ўтиш керакки “Халқ комуналари” га узул-кесил барҳам берилган оилавий хўжалик юритиш бунёд этилган шароитда система муваффақиятсизликка учрай бошлади. 1985 йилда йиғиб олинган дон екинлари 7 фоизга, пахтаники қарийиб 30 фойизга камайди. Озиқ-оқват моллари бозорида нарлар ошди. Давлат дон харид қилиш ва

таксимлашни қатий изга солишга, нормаллаш, шу жумладан чорвачилик махсулотини нормалаш соҳасини кенгайтиришга мажбур бўлди. 1989-1990 йилларда Хитой йиғиб олинган доннинг ялпи миқдори бўйича 1984 йилга даражадан ўзиб кетди, лекин аҳоли ҳам шу давр ичида 95 миллион кишига кўпайди.¹

Натижада нима юз берди? Жамоа хўжаликларининг тугатилиши кам қувватли микрофункцияларнинг ҳосил бўлишига олиб келди. Ер фондининг парчаланиши моддий ва молил ресурсларининг бўлиниб кетишига сабаб бўлди.

Далаларда техникадан ва фан ютиқларидан фойдаланишда катта тўсик бўлиб қолди. Замонавий ишлаб чиқариш воситаларининг, техник ва иш соҳасидаги янгиликларни харид қилишга мада хўжаликларнинг қурби етмайди.

Агар хатто техника харид қилинган тақдирда ҳам улрдан бир парча пайкалларда фойдаланишдан самара йўқ. Натижада далада барча ишларнинг 70-80 фоизи қўлда бажарилар эди. Ҳосилнинг ўстиришида асосий техник восита эса кимё бўлиб қолди. Агар 1978 йилда бир гектарга ўртача 88,4 килограмми кимёвий ўғит солинган бўлса, у 1989 йилда 242,2 килограммга етди.

Якка тартибда хўжалик юритишга ўтилиши билан аввалгидек дехқонларни иригация иншоотлари қурилиши ва маъмурлашига мажбуран сафарбар қилиш мумкин бўлиб қолди. Манфаотдорликка асосланган шакиллар эса кўзда тутилган эди. Сув хўжалиги қурилишида тезда тушуклиқ юз берди, эски системалар юз берди, эски системалар вайрон бўлса бошлади, сув ташишидек, қурғоқчиликдан зарар кўрган майдонлар кенгая борди. Хитойнинг жануби-ғарбида жойлашган, кўпинча балиқ ва гуруч ўйи деб аталувчи энг кўп миллатли вилоят бўлиши Сигуандаги дехқонларнинг аҳолини ёритар экан, “Жэнмень Жибао” газетаси махсулот етиштириш ўзгаришига қарамай, уларнинг дароматидаги талайиб

¹ М.Н.Косачёв Хитой Иқтисодий ислохатлар йўлидан Инсон ва сиёсат 1991 йил, 5-сон 83 бет

боргналигини таъкидлади. Бундай ходиса ўтган 10 йилликда илк бор кўзга ташланди. 1999 йилда рекорт ҳосил йиғиб олинганига қарамай Хитой коммунистик партияси марказий қўмитаси органи “донга бўлган бозор нахларининг нихоятда пасайиб кетиши деқонлар даромадининг қисқаришини англатади”.

ХХРси давлат статистика бошқармасининг маълумотларига қараганда, 1990 йилга келиб деҳқон бюджетида даромат ва чиқимларнинг ҳиссаси 75 фоизни ташкил этди, ҳолбуки ўн йил олдин 55 фоизга тенг эди, 1985-1989 йилларда деҳқон ҳисобига пуд даромати ҳар хил 17,3 фоиз ошлангиллиги кўрамиз. Буларнинг ҳаммаси деҳқонлар томонидан янада кўпроқ миқдорда товарлар харид қилиниши учун гарт-шароит яратди.

Бу билан улар янги йирик истемолчи гуруҳга айланди. Деҳқонларга берилган еркин тадбиркорлик фаолияти маҳаллий саноат, қурилиши, транспорт савдонинг янада ривожланишига сабаб бўлди. биро бир бюджет пул маблағсиз мамлакатнинг ишлаб чиқариши потенциалми 20 фоиз, унинг экспорти эса, 14 фоиз ошди. Мамлакатда ишлаб чиқариши бинокорлик материалларнинг ярими, кейим ва пойафзалларнинг юздан бири, газ мойнинг бешдан бири қисми қишлоқ меҳнаткашлари ҳиссасига тўғри келди.

Хўжалик ислохати 1984 йилдан бошлаб ишчи ва қизматчиларнинг умумий миқдори 80 миллион кишидан ортиқ бўлиши 1 миллиондан ошиқ қорхонани ўз ичига олган шаҳар соатини қамраб олди. Қорхоналарнинг мустақиллиги ва ҳуқуларини кенгайтиришиб, директор режалаштиришни бозорпни бошқариши билан қўшиб олиб бориш, нархларнинг национал тизимини яратиш, иқтисодий воситалардан энг кўп даражада фойдаланиш бошқариш органлари ва қорхонларнинг вазифаларини чегарашал, хўжаликни бошқариш бўйича ҳукумат органларининг функцияларни аниқлаштириш йўли билан қорхонлар ишининг самарасини ошириш бу соҳадаги туб ўзгаришларнинг марказий бўғини бўлди.

Агар ислохатгача қорхоналарнинг ҳамма фойдаси бюджет ўтказилган ва ундан улар ишлаб чиқаришини ривожлантириши, янги қурилиш учун

маблағни бадал тўлатиб олган бўлсалар, энди эса марказий ва маҳаллий бюджетларга солих тўлагандан сўнг маблағларнинг бир қисми уларда қола бошлади. Корхонларнинг таъминлаш ва сотишдаги, нарх белгилашдаги ҳуқуқлари кенгшайди моддий рағбатлантириши фонди ходимларнинг хўжалик фаолияти натижаларига бўлган манфатдорлигини оширди.

1986 йилда бутун Хитой халқ вакиллари мажлисининг доимий кўмитати корхоналарнинг синиши тўғрисида қонун қабул қилинди, бу эса рақобатни янада реаллаштирди. ХХІ асрнинг бошларига келиб ХХРси қишлоқ хўжалигида экологик соф маҳсулот етиштириш учун курашга киришилди. Дехқонлар кимёвий ўғитларни қўлламасдан, тоза ва мўл – қўл маҳсулотлар етиштириши усуллари ўзлаштирмоқдалар. Бунинг сабаби шуки, ХХРси бозорларда гарчи экологик тозаламоқ маҳсулотларнинг нархи балад бўлсада, шаҳар аҳолиси бундай маҳсулотларни таълашиб тортишиб харид қилмоқдалар. Бу эса дехқончиликда серхосил ва мағзи тўқ селкция-навчиликка ҳамда янги экологик технологияларга қизиқишни ортирмоқда.

Шундай қилиб, 8 миллион қишлоқ хўжалик ходимини ўз сафида бирлаштирган Хитой дехқончилиги ва чорвачилиги тубдан ўзгармоқда. Мамлакатда қишлоқ хўжалиги маҳсулоти қаҳатчилиги, нон картошкаларни даври тарих бўлиб қолиб, эди маҳсулот мўл-қўлчилиги ва ранг баринглиги даври бошланмоқда. Бу соҳада қишлоқ хўжалигида ислохатлар давом этаяпти.

Ўзбекистон республикаси учун ХХРсининг хусусий секторида тўпланган тажрибаси ҳам аҳамиятлидир. ХХРсида 1,5 миллиондан ортиқ хусусий корхонлар ва пайчилик асосидаги корхонлар ишлаб турибди 0 миллиондан ортиқ яқка тартибдаги хўжаликлар мавжуд бўлиб уларда 131 миллион киши меҳнат қилмоқда. ХХРсида сўнги йилларда иқтисодий ўсиш йилига 8-10 фоизни ташкил этмоқда. Дунё бўйича хорижий сармоянинг қарийиб 20-22 фоизи ХХРсига киритилаяпти. Бу эса жуда катта

кўрсатишдир¹. Ўзбекистонда миллий иқтисодиётнинг жаҳон иқтисодиёти билан уйғунлашуви жарайнида қайси томон устунлик қилади:

Ғарбми ёки Шарқми? Шимолий америка бозор томон борамизми ёки Ғарбий европа ёки осий бозор сари юрамизми деб қўйилган саволга (1990 йилларнинг бошларида) Президенти И.Каримов бошлашдаги Ўзбекистон Демакратиянинг дастлабки расмий ташрифларнинг Хитой, туркия Хиндистон жанубий Корея Малазия ва бошқа осий давлатлари бўлаб бошланганлигини ўзиёқ бу саволга ўша пайтда йўқ аниқлик киритган дебалол айта оламиз².

¹ Ишонч 2004 йил 29 май

² Н.Тўхлиев Бозорга ўтишнинг машаққатли йўли. Т. “Ўзбекистон”, 1999й, 111 бет

II. БОБ Ўзбекистон ва хитой янги ислохатлар йўлида.

§ 1. Азалий ва адабий ҳамкорлик йўлида.

Ватанимиз мустақиллика эришган, халқаро ҳамкорлик алоқалар тарихида ғам янгидан-янги ва ёрқин истиқболли давр бошланди. Жуғрофий ён қўшнимиз бўлган ХХРси билан ҳам истиқлолимизнинг илк йилларидаёқ ўрнатилган ҳамкорлик ғам йил сайин ривож топиб келаяпти.

Аслини айтганда, икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий, маданий ва бошқа алоқалар мустахкам тарихий илдизларга эга Ўзбекистон Республикаси ва ХХРси қадимдан Буюк ипак йўлининг қайноқ марказидаги давлатлар бўлиб, цлар ана шу улугъ ҳамкорлик йилларининг фаол бунёдкорлари бўлиб қолганлар. Қадимги ҳамкорларимиз тарихи Хитой халқимизнинг кўхна ёзма манбаларида ҳам ўз ифодасининг топган. Ўзбекситон Республикаси Ўз мустақиллигининг дастлабки кунлариданок Осиё мамлакатлари билан дўстона алоқаларни ўрнатиб келмоқда. Ушбу муносабатлар очик ташқи сиёсатга амал қилувчи демакратик ҳуқуқий давлатнинг мохиятидан келиб чиқиб, бошқа мамлакатларда хзамкорликни ривожлантириш ва мустахкамлашни ўзига дастурамал қилган миллий истиқлол мафқурасига ҳам мос келади. Ушбу муносабатлар ўзаро ҳамкорлик, миллий мустақиллик ва давлат суверинитети талбаларига қатъий риоя этишга асосланади.

Ўзбекситон Осиё мамлакатлари билан ўзаро муносабатларида иқтисодиёт, таълим, хавсизлик, халқаро терроризм, диний экстроризм, гиёхвандликка қарши кураш ва бошқа масалалар юзасидан ҳамкорлик қилиш ўзаро дўстлук тўғрисидаги шартномалар ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Мамлакатимиз мустақиллигининг илк йилларидаёқ Осиёнинг кўплаб давлатлари Ўзбекситоннинг далвт мустақиллигини тан олди ва улар билн дипломатик алоқалар ўрнатилди. Хусусан Хитой халқ Республикаси-1991 йилнинг 27 декабррида Ўзбекистон Республикаси мусақиллигини расман эътироф этди. 1992 йилнинг 2 январ кунн эса икки давлат ўртасида

дипломатик алоқалар ўрнатилди.¹ Икки томонлама муносабатларнинг ривожланишида мамлакат раҳбарларининг ўзаро расмий ташрифлари, давлатлараро тузилган шартнома, битим ва декларацияларнинг аҳамияти нисбатда катта. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов 1992 йил мартда, 1994 йил октябрь ойида ва 1999 йилнинг ноябр ойида², 2005 йил 25-27 майда³ Хитой Халқ Республикасига қилган расмий давлат ташриқлари, шунингдек Хитой Халқ Республикаси давлат Кенгаши Раиси Ли Пеэннинг 1994 йил апрель ойида, ХХРси раиси ўринбосари Ху Цзинтаонинг 1995 йил октябрь ойида ва ХХРси раиси Цзянь Цзинминнинг 1996 йил июль ойида Ўзбекистон Республикасига қилган расмий давлат сафарлари ўзаро сиёсий мулоқотларини янада ривожлантиришга мустаҳкам асос бўлди. ҳамда ҳудуд шу учрушувлар чоғида ўзаро манфатдорликка асосланган ҳамкорликнинг бош йўналишлари аниқлаб олинди.

Ўзбекистон Республикаси ва ХХРси-азалий дўст ва ҳамкор мамлакатлар ҳисобланиб, бундай биродарлик 1994 йилда икки давлат ўртасида тузилган “ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш ва чуқурлаштиришнинг асосий принциплари тўғрисида”ги декларацияда ҳам ўз аксини топган. Ҳозир кунда икки давлатнинг ўзаро муносабатлари 1994 йилда қабул қилинган декларация ва 1999 йилда қабул қилинган навбитдаги, ўзаро дўстлик ва ҳамкорликка янада ривожлантириш тўғрисида” ги декларация асосида раванг топиб келаяпти. Бугунги кунда бу иккала давлат ўртасида давлатлар, ҳукуматлар ва идоралараро 60 дан зиёд битимлар имзоланган бўлиб улар турли соҳаларидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириши йўлида самарали хизмат қилиб келмоқда.

Битимларда Ўзбекистон Республикаси ва ХХРси ўз муносабатларини ҳар икки халқ ўртасидаги дўстликни, ўзаро фойдали ҳамкорликни қуйидаги принциплар асосида ривожлантиришлари алоҳида таъкидланади.

¹ Халқ сўзи 2004 йил 9 июнь

² Маърифат 1999 йил ноябрь

³ Халқ сўзи 2005 йил 27 май

- Ўзаро бир-бирларининг суверинитетларини ва ҳудудий яхликлигини ҳурмат қилиши:
- Бир-бирларига ҳужум қилмаслик:
- Бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик;
- Тинчлик ва ўзаро манфаатдорлик:
- Тинч-тотув яшаш ва ҳақозо:
- Ушбу битимларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ва ХХРси ўртасидаги муносабатлар кўплаб муаммолар доирасини, хусусан, халқаро сиёсий ҳамкорлик, савдо-сртик, иқтисодий соҳасидаги ҳамкорлик, Ўзбекистон Республикасида ўзга мамлакатлар инвестицияларини рағбатлантириш қўшма корхонлар ташкил этиши атроф-муҳитни муҳофиза қилиш ва иқтисодий муомаларни ҳал этиш ва бошқа масалаларни қамраб олади. ХХРси раҳбарияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг Афғонистон муамоларини тинч сиёсий йўл билан ҳал қилиш миллий ҳавфсизликни мустаҳкамлаш, марказий Осиёнинг ядро қуролидан ҳоли ҳудудга айлантиришга қаратилган ташаббусларини ҳамisha қўллаб-қувватлаб қолади.

Маълумки 2001 йилнинг 11 сентябрдаги АҚШ юз берган воқеаларидан кейин афғонистон Республикаси кенг қўламда аксилтеррорчилик операциялари ўтказилди. Ўзбекистон республикаси халқаро аксилтеррорчилик курашини нафақат қўллаб-қувватлади, балки бу курашнинг фаол ташаббускорларидан бири бўлди. ХХРси малакатимизнинг тутган бундай позициясининг ижобий боҳолади.

XXI аср ҳар икки мамлакат олдида ҳамжихатликда ҳал этилиши лозим бўлган янги вазифаларни ҳам қўйди. Жумладан, миллий сепаратизм (бўлиб олиш), диний экстремизм ва халқаро терроризмга қарши кураш ана шундай вазифалардир. Шу маънода ХХРси Ўзбекистон Республикасининг Тошкентда Шанхай ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ) нинг минтақавий аксилтеррорчилик тузилмалари ижроя Қўмитасини очиш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватлади. (Бу тузилма Тошкентда 2004 йил январидан

бошлаб фаолият юритмоқда).¹ Бу минтақавий ташкилот терроризмга қарши курашда ва ўзаро иқтисодий ҳамкорликнинг янги имкониятларни очишда салмоқли хизмат кўрсата олади. 2004 йил май ойининг сўнгги кунларида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар иқтисодий ва савдо вазирларининг Тошкентда бўлиб ўтган мажлиси фаолияти кенг жихатдан алоҳида аҳамиятлидир. Демак, Ўзбекистон Республикаси ва ХХРси муносабатларда Шанхай ҳамкорлик ташкилотидаги жараён ам сўзсиз марказий мазмун касб этмоқда. Чунки, мамлакатларимиз ўзаро алоқаларида минтақавий хавсизликни таъминлаш, халқаро терроризмга қарши биргаликда кураш олиб бориш, экстремизм ва наркоагрессия ҳафининг олдини олиш, авфон муаммоси, экология масалаларига қай даражада эътибор бериб келинаётган бўлса, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг бундай кейинги фаолиятида ҳам ушбу муаммолар долзарблигича қолаверади.

Ўзбекистон Республикаси ва ХХРси ўртасидаги алоқалардан яна бири иқтисодий алоқалар яна бири иқтисодий алоқалар бўлиб бу соҳа ҳамкорликнинг энг муҳим йўналишларидан биридир. Масалан, 2000 йилда ХХРси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги товар айрбошлаш даражаси 95,5 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса 2002 йилда бу кўрсаткич 130 миллион долларни ташкил этди² 2003 йилда 2002 йилда нисатан икки баробар ошиб 347 миллион АҚШ долларини ташкил этди³ 2004 йил январ-апрель ойларида ўзаро савдо ҳажми 2003 йилнинг шу даврига нисбатан 134 фоиз ошиб, 220 миллион АҚШ долларига этди⁴ Ўзбекистон Республикаси ва ХХРсига нефть маҳсулотлари, рангли метал, минерал ўғит, ноорганик кимё маҳсулотлари, механик ускуналар, ипак, тўқимачилик газламалари ва бошқа хил буюмлар ва маҳсулотларни экспорт қилмоқда

ХХР сидан эса техникавий ва электр жихозлар, оптик асбоб-ускуналари, кулолик буюмлари, чой, кофе, қандолатчилик, чорвачилик

¹ Ишонч 2004 йил 29 май

² Фидокорлик 2005 йил 26 май

³ Халқ сўзи 2004 йил 9 июнь

⁴ Халқ сўзи 2004 йил 16 июнь

махсулотлари, кийимлар ва поябзаллар, қоғоз-картон махсулотларини оламиниз.

Давлатларимиз ўртасида темкоммуникация соҳасида ҳам фаол ҳамкорлик вужудга келган. Жумладан ХХРсидаги “шанхай Бёлл” компанияси Ўзбекистон темкоммуникация тармоқлари имкониятларини янада кенгайтиришнинг ўз хиссасини қўшмоқда. Бу компания, айтилишича, “Тошкент-Бухоро” темкоммуникация магистралини яратиш лойиҳасини амалга ошириш мақсадалари учун Хитой инвестициясини таклиф этди. Хитойнинг “Huawei Technologies” компанияси телекоммуникация асбоб-ускуналари, жихозлари яратиш, ишлаб чиқариш ҳамда сотиш бўйича кенг қўлламда таққот ишларини олиб боради. Осиёдаги бу йирик корхона, шунингдек, рақамли алоқа тизими-оптика тармоғи, мобиль ва радиоалоқа маълумотларини узатиш тармоғи, видео конференция алоқаси, ҳамда ккабелли телевидения каби қўплаб соҳаларда махсулотлар яратилапти ва ишлаб чиқараяпти.

“Huawei” 2000 йилдан Ўзбекистон республикаси ўз фаолитини бошлаган эди. Алоқалар йил сайин мустакамланиб бормоқда. Хусусан, Ўзбекистон акционерлик компанияси ва “Тошкент шаҳар телефон тармоғи” акциадорлик жамияти лойиҳаси дориасида телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш бўйича кенг қўлламда ишлар юритилаяпти. Жиззах ва Самарқанд вилоятларида телефон тармоқларини жихозлаш ишлари якунланди. Наманган шаҳрида 1,98 миллион АҚШ доллари миқдорида телефон тармоғини қайта таъмирлаш (реконструкция) ишлари ниясига етказилди. Тошкент шарининг жанубий худуди Бектемир туманига хизмат қилувчи. “Янгиобод” боғламасида Хитойнинг “Huawei” фирмасининг русумидаги 1024 номерга мўлажлланган рақамли АТС ни ундан ажратиб олиб таъмирлади.¹ Ушбу 91-АТС да яна битта жамловчи АТС кирилиши ҳам тугалланди. Бу 194-АТС бўлиб у ҳам “Honet” русумидаги ускуналар ёрдамида умумий сифимни 1024 номерга етказди. Яна битта ажратма АТС эса

¹ Халқ сўзи 2004 йил 9 июнь

“Қўйлик” марказидаги халқа йўл бўйлаб қурилган кичик дахани телефон алоқаси билан таъминлади. Бошқача айтганда, 2002 йилнинг ноябрь ойигача бу ерда 500 тача яқин янги телефонлар ўрнатилди.¹ 2003 йили эса Тошкент шаҳрида бир қатор рақамли Автомат телефон станцияси (АТС) замонавий технологиялар билан жихозланади. Ана шу лойиха доирасида келгусида яна 20.000 нуқтага эса иккита автомалшатирилган телефон станцияси худди шу йўсинда жихозланади. Қарши шаҳрида халқаро автомат телефон станцияси ишга тушурилганлиги ҳам “Huawei” компанияси билан яқин ҳамкорлик намунаси бўлди.

2005 йилда Фарғона вилоятининг олис қишлоқ туманлари Сўз тумани ва Шохимардон қишлоғини ҳам Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг дастуридаги лойихасига асосан вилоят маркази билан боғловчи релили алоқа тизими ишга туширилди. Айни чоғда “Фарғона телеком” тизимида 157 минг рақамга эга 146 та станция фаолият кўрсатаёпти². Сўнгги йилларда бу станцияларнинг фойдаланиши коэффиценти 81 фойизга етди. Агар бундан 3 йил аввал (2002 йил) бу кўрсаткич 75 фойизни ташкил эткангиллиги ҳисобга олсак, тизимга замонавий электрон алоқа ускуналарининг кириб келиши нақадар фойдали эканлиги кўзга яққол ташланади.

Фарғона вилоятида хориждан олинган кредитларни миллий валюта билан қоплаш ишларига ҳам алоҳида эътибор қатилмоқда. Масалан, 2004 йили филиал томонидан қўлга ритилган даромаднинг 600 миллион сўмга яқини ана шу кредитларни қоплаш учун сарфланди. Чет эллик критаторларнинг маблағини ўз вақтида қайтариш эса томонлар ўртасидаги ўзаро ишонч ва ҳурматни мустаҳкамламоқда. Энг муҳими, янги кредит линиялари очиш имконини бермоқда. 2005 йилнинг биринчи чорагида Фарғона вилояти марказида янги рақамли шаҳарлараро ва қитъалараро телефон алоқасини боғловчи станция ишга туширилди. Бунинг учун эса ХХРсида ишлаб чиқарилган янги замонавий станция бунёд этилди.³

¹ Халқ сўзи 2002 йил 22 ноябрь

² Халқ сўзи. 2005 йил 11 май

³ Халқ сўзи. 2005 йил 11 май

Натижада, шаҳарлараро, мамлакатлараро алоқа каналлари сони бир неча бароварга кўпайди. Хозирги кунда Фарғона вилоятидан туриб, дунёнинг исталган нуқтасидан қисқа вақт ичида боғланиш имконияти мавжуд. Бу ишларнинг деярли барчасини замонавий компьютерлар бир зумда амалга оширмоқда.

Ўзбекитсон Республикаси ва ХХРси ўртасида замонавий авиация соҳасида ҳам иқтисодий тижорат алоқалари ўрнатилган. Жумладан, ХХРси томонидан авиация заводида ишлаб чиқарилагн ИА-76 MD ва ИЛ-78 МК маркали харбий транспорт смолётларини харид қилмоқда.¹ Ўзбекитсон Республикаси ва ХХРси ўртасида коммуникация масалалари бўйича алоқалари ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Мустақиллика эришганидан сўнг мамлакатимиз учун коммуникацияларини ривожлантириш ва халқаро транспорт йўлига чиқиш муҳим касб этди. чунки илгари биз транспорт қамалида қолган эдик. Собиқ иттифоқнинг парчаланиши ва эски алоқаларнинг бузилиши Республикамиз иқтисодиётининг импортга боғланиб қолишига олиб келди. Ўшанда мамлакатисизга дон, нефть, метал, ёғоч, озиқ-оқват махсулотлари ва биринчи навбатда зарур бўлган махсулотларни четдан олиб келиши зарур эди. Вужудга келган тўсиқлар, яъни чегаралар, божхона пунктлари ҳамда МДХ давлатларининг юкларни транзит қилишда “Ўз қоида” ларини жорий қилиши бу ишни яна ҳам қийинлаштирди. Бундай шароитда Ўзбекистон ҳукумати томонидан транспорт хавсизлигини таъминлаш миллий стратегияси ишлаб чиқилиб, муваффақиятли жорий қилинди. У миллий транспорт тизимининг халқаро транспорт тизимига ўзаро манфаатли интрегациялашувига йўналтирилган эди. Ўзбекистон транспорт соҳасида 90 га яқин ҳукуматлараро шартномаларни имзолади ва 24 та халқаро конвенцияга қўшилди. Мамлакатимиз эко, эскато, БМТнинг транспортни ривожлантириш ва Буюк Ипак йўлини тиклаш ҳамда ЕИ, ШХТ ва МДХ транспорт дастурларининг тўлақонли аъзосидир.

¹ Халқ сўзи 2004 йил 9 июнь

Қатор лойихаларнинг амалга оширилиши туфайли поезд ва автомобиль йўллари қаторига Трапс каспий маршрути (TRACEKA) Афғонистон, Эрон, Хитой орқали ўтадиган темир йўл ва автомобиль йўллари ҳамда Хитой, Покистон ва Хиндистондан ўтказилган автомобиль йўллари киритиши мумкин.¹ 1992 йил 6февралда Ўзбекистон, Покистон, Эрон ва туркия томонидан тузилган иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ЭКО)га эъзо бўлиб кириши натижасида 1992 йил 10 майда Ашхабадда ушбу давлат раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. учрашувда Транс Осиё темир йўлини вужудга келтириш мақсадида Тажан Сирахс-машхад темир йўли қуриш ҳақидаги битим имзоланди. Ахдлашувга бноан 1992-1996 йилларда узунлиги 295 км бўлган Машхад-Сирахс-Тажан темир йўли қурилди. 1996 йил 12 май куни махкур темир йўлининг очилишига бағишланган тантанали бўлиб ўтди, унда элликта мамлакат вакиллари қатнашади. Истамбул-Пекин Трансосиё темир йўлининг таркибий қисми бўлган Машхад-Серахс-Пажан темир йўли Осиё ва европа мамлакатлари ўртасида юк ташиш муддатини бир ҳафтага қисқартирди.² Халқаро юкларни ташиш бўйича Ўзбекистон-Қирғизистон-Хитой йўналиши мамлакатимиз учун янги имкониятлар очди. Буларнинг барчаси, Ўзбекистон Республикасининг денгиз бандаргоҳларига чиқиш мақсадига эришиш йўлидаги саъй-ҳарактларига хизмат қилади. Мутахассисларнинг фикрича, мамлакатимизнинг денгизга чиқиш учун икки давлат ҳудудидан ўтишга мажбурлиги ҳар йили Республикамизда ялпи ички маҳсулот ўсишини тўрт фоизгача камайтирилмоқда. Айтиш мумкинки, сўнг пайтларда турли транспорт йўлаклари бўйича рақобат юзага келаётир. Бу ўз навбатида, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ҳамда истеъмолчиларимизга экспорт ва импорт бўйича юклари ўзлари учун қулай йўналишлар орқали олиб бориш имконини яратади.буларнинг барчаси охир-оқибатда мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга хизмат қилади.

¹ Халқ сўзи 2004 йил 11 май

² Ўзбекистон тарихи 11 синф учун дарслик. Тошкент, “Шарқ 1998 йил, 338 бет

Ўзбекистон Республикаси ва ХХРсида молиявий-кредит соҳаларидаги ҳамкорлик ҳам тобора жадал ривожланиб бормоқда. ХХРми Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига ва бошқа соҳаларга капитал маблағлар киритишнинг турли шаклларида фойдаланилмоқда. Масалан, 1992 ва 1994 йилларнинг ўзида мамлакатимизга икки бор озиқ-оқват маҳсулотларини етказиб бериш бўйича умумий қиймати 12 миллион АҚШ доллари тенг бўлган товар кредитлари тақдим этилди. 1995, 1997 ва 1999 2000 йилларда ХХРси томонидан Республикамиз Соғлиқни сақлаш Вазирлиги ва “Соғлом авлод учун” фондига дори-дармон, тиббиёт ускуна ва жихозлар харид қилиш учун 12 миллион юань (8юань-1 АҚШ доллари тенг) умумий қийматга тенг қайтариб берилмайдиган бегараз грантлар ажратилди.¹

1999 йилнинг ноябрида Ўзбекистон Республикасига ўн йил муддатга ва йилига тўрт фоизлик фойда билан Хитой “Эксимбанк” юан 100 миллион юань (12 миллион АҚШ доллари атрофида) кредит ажратиши тўғрисида икки томонлама битим имзоланди. Бунда уч йил имтиёзли қилиб белгиланди. Шубу кредитлар қуввати ўттиз от кучига тенг бўлган ишни тракторлари йиғиш бўйича тузилган лойиҳаларни амалга ошириш учун йўналтирилди. Ушбу ишлаб чиқариш тармоғи Тошкент трактор заводи хиссадорлик жамиятида ташкил этилди.² Ўзбекистон Республикаси саноат тармоғини ривожлантиришга ҳам ХХРси ўз кредити билан хиссасини қўшиб келмоқда. Қўнғироқ содда заводи лойиҳасини юзага чиқариш соҳасидаги икки мамлакат ҳамкорлиги ҳам алоҳида диққатга сазовардир. 2002 йилда ўтказилган халқаро тендр танловида ютиб чиққан ХХРсидаги “Citic international cooperation coop” корпорацияси қўнғирот сода заводи қурилиши учун 92 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ жаратиши бўйича шартномани имзолади. Бундан ташқари, ушбу кооперация Ўзбекистон Республикасига ўн иккита электровоз ажратиш бўйича ўтказилган тендрда ҳам ғолиблик қилди. Айни пайтда бу масалада шартнома имзоланиб, ушбу

¹ Ишонч 2004 йил, 29 май

² Ишонч 2004 йил 29 май

электровозларнинг дастлабки партиялари Ўзбекистонга келтирилди ва муваффақият билан ишламоқда. Бу электровозлар Тошкент-Самарқанд йўналиши бўйича йўловчиларни ташишда хизмат қилмоқда. ХХРси 1995-2003 йиллар мобайнида давлатимиз учун молиявий-иқтисодий соҳада жами 260 миллион юанга тенг (31,7 миллион доллар) имтиёзли кредит ва 42 миллион юан хажмида (5,1 миллион доллар) грант ажратди.¹

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, 2004 йилгача Ўзбекистон Республикасида 101 та корхона ХХРси сармоядорлари иштирокида фаолият юритяпти. Улардан 78 таси қўшма корхона ҳисобланиб, 23 таси эса тўлиқ ХХРси маблағи ҳисобида ишламоқда.² Улар асосан чакана ва улгурчи савдони уюштириш, воситачилик хизматини бажариш енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги ҳам ашёларини қайта ишлаш йўналишларида фаолият олиб бормоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида ХХРсининг Хуань провинциал экспорт-импорт компанияси, Аньхай импорт ва чай экспорти корпорацияси, Шинжонг ташқи иқтисодий ва савдо компанияси, Хитой дон, ёғ ва озиқ-овқат маҳсулотлари импорти ва экспорти бўйича компаниялари “Тексуна Интернейшил лимитед”, “Чайнатекст”, Хитой ер ишлари муҳандислиги корпоратциясининг ваколатхоналари ишлаб турибди. ХХРсидан ускуна-жихозларини экспорт қилиш ушбу давлатнинг “SINOSHRE” суғурта агентлиги томонидан суғурталанади.³

Ўзбекистон Республикаси ХХРси билан қўшма корхоналар ташкил этишда анчагина ютиқларни қўлга киритмоқда 1993 йилдан бошлаб Хоразм вилоятида Ўзбекистон –Хитой қўшма корхонаси ташкил этилди. Бу корхона атиги бир ярим йил ичида барпо этилди. Бу қўшма корхонада блур матолари ишлаб чиқарила бошланди. Турли газламалар ишлаб чиқариш таехнологиясининг воситаларини ХХРсининг Сув-жу шаҳри тқимачилик машинасозлиги корхоналари ҳадя қилди. Ушбу шаҳардан қирққа муҳандис-

¹ Фидокор 2005 йил, 26 май

² Халқ сўзи, 2004 йил 9 июнь Фидокор 2005 йил 26 май.

³ Халқ сўзи, 2003 йил, 23 апрель

созловчи асбоб – ускуна, жихозалрини ўрнатиш ва синаб кўришда ўзбекистонлик ҳамкасбларига яқиндан кўмак беришди.¹

Андижон вилоятининг шахрихон туманида ҳам Ўзбекистон – Хитой “Ривож-пяньжин” кўшма корхонаси ташкил этилди. Бу кўшма корхона ўзининг ишлаб чиқараётган электродлари билан Марказий Осиё мамлакатларида қисқа вақт ичида шухрат қозонди. Корхона раҳбарияти водийда ишсиз юрган ёшлар кўплигини ҳалда хом ашё етарлилигини ҳисобга олган ҳолда “Ривож-Пяньжин” кўшма корхонаси таркибида трикотаж фабрикасини барпо этди. Бунинг учун анча вақтдан бери туман марказида бўш турган ишлаб чиқариш бинолари капитал таъмирдан чиқарилиб, бу ерда тикув, бўяш, пардозлаш (гул солиш), бичув ва тикув цехлари бунёд этилди.

Кўшма корхонанинг янги трикотаже фабрикасида 300 нафардан ортиқ маҳаллий ёшлар доимий иш билан таъминландилар. Улар бир йилда 800 тонна трикотаж мато тўқиб, уни партозлаб, катталар ва болалар учун уст-бошлар ишлаб чиқардилар. 2001 йилда бу фабрикада Хитойнинг Пяньжин шаҳридаги ҳамкор компаниясидан келтирилган эликдан ортиқ тўлиқ дастгоҳлари ҳамда 150 та тикув машиналари ўрнатилди ва ишга тушурилди.² Шу йили Хитой (Гонгконг) нинг “Бли Оушен” компанияси урганч “Азия-Текстил” номли ташкил топган кўшма корхонаси 1544 инг долларлик техник жихозларни инвестиция сифатида низом жамҳармасига киритди. “Азия-Текстил” шу пайтгача 30ишчи хизматчини ўз бағрига олди.³

Самарқанд вилоятида “Лола узар” фирмаси ва “Анъхай чой” корпарацияси ҳамкорлигида ташкил этилган уйчи туманидаги “Ал-жахон” кўшма корхонаси йўлига 3800 тонна чойни қадоқламоқда. 2001 йили ушбу жамоаахли 310 миллион сўмли махсулотларни харидорларга етказиб берди. Хитойдаги махсус қопларда келтирилаётган кўк чой кўшма корхонада асосан 125, 250 ва 500 граммлик чиройли, ихчам қоғоз қутичаларга қадоқланиб,

¹ Халқ сўзи, 1994 йил 13 август

² Халқ сўзи 2001 йил 18 декабрь

³ Халқ сўзи 2002 йил 12 февраль

савдога чиқариб келинмоқда.¹ 2002 йили бухоро шаҳрида “бухоро-хвашен” “КОЛТД” деб номланган қўшма корхона ҳам хитой билан биргаликда ишга туширилди. У “Бухоро-ипаги” хиссдорлик жамияти Хитойнинг Чженцзян вилоятидаги “Хвашен” ипакчилик бирлашмаси ва “Хвашен” нинг Тошкентдаги вакиллиги урушлари асосида ташкил этилди. Корхонанинг низом жамғармаси 2.22 миллион АҚШ доллариға тенг бўлиб, бир йилда 250 тонна хом ашёни қайта ишлов қувватига эга корхона бўлиб қолди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг 50 фойизи, яъни 3 миллион АҚШШ доллари миқдоридаги сифатли ипак толаси хорижга экспорт қилинадиган бўлди. янги жамоада 350 нафардан ортиқ Бухоролик хотин-қизлар иш билан таъминланди.² Тошкент шаҳридаги Бектемир туманида ҳам 2003 йилда “Фулонг индустриал” Ўзбекистон –Хитой қўшма корхонаси ташкил этилди. Йилига 12 минг тонна крахмал, 800 тонна маккажухори ёғи тайёрлаш қувватига эга бўлган корхонада асосан ёшлар меҳнат қилмоқдалар.³ Шу йили яна битта қўшма корхона “Ойимтекстиль”-Ўзбек-хитой қўшма корхонаси ҳам Хитой билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унинг ишга тушурилиши нафақат минглаб тонна калава ип ишлаб чиқариш, балки юзлаб ойимликларни иш ўрни билан таъминлаш имконини берди.1995 йили Хитойдаги “Bjiglt Oceans” корпарацияси билан ҳамкорликда Республикамиз ҳудудида газ ўлчагич асбоблари ишлаб чиқариш, йиғиш, сотиш ва хизмат кўрсатишга ихтисослашган “Сув жихозғаз” Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси ташкил қилинди. Бу қўшма корхона ҳозир газ ўлчагичлар ишлаб чиқариш бўйича биринчилик мавқеини сақлаб келмоқда. 2002-2003 йиллар мабойинида “Bjiglt Oceans” корпарацияси “машинпекс” билан биргаликда Хитой ҳукумати томонидан Ўзбекистонга берилган имтиёзли кредит доирасида умумий қиймати 100 миллион юанлик газ ўлчагичлари етказиб берди. Лекин томонидан мамлакатимизга тақдим этилган кредит бўйича эса 30 миллион юанлик буюртмани муваффақиятли бажарди.буларнинг барчаси

¹ Халқ сўзи 2002 йил 5 март

² Халқ сўзи 2002 йил 5 март

³ Ишонч 2003 йил 6 сентябрь

икки мамлакат савдо-сотиқ иқтисодий алоқаларини ривожлантириш баробарида, Хитой ва ўзбекистон халқи ўртасидаги дўстлик янада мустахкамлашга хизмат қилмоқда.

§ 2. Ўзбекистон ва Хитой ўртасида фан ва маданият соҳасидаги ўзаро алоқаларнинг янада ривожланиши.

Ўзбекистон Республикаси ХХРси илм-фан, маданият, маълим, сайёҳлик, спорт, соҳлиқни сақлаш каби соҳаларда ҳам алоқаларни ривожлантириб келмоқда. Президентимиз ислом Каримовнинг Хитойга қилган бир қатор ташрифлари икки томонлама ижтимоий-иқтисодий, маданий маърифий соҳалардаги ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларини белгилаб берган. Кенг кўламдаги ана шу ҳамкорлик доирасида юртимизда Хитой маданияти кунлари ҳар йили ўтказиб келинмоқда (2001 йилда Тошкентда Хитой маданияти маркази очилди¹) Хитой миллий ашула ва рақс ансамбилининг концерти Тошкент, Самарқанд, Фарғона Андижон, Жиззах каби шаҳарларимиз муваффақиятли ўтказиб келинмоқда. Хитойлик санъат корлар 1997 йилда бошланган ҳар икки йилда бир марта Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган “Шарқтароналари” халқаро мусиқа фестивалларида мунтазам равишда қатнашиб келмоқдалар. Ўзнавбатида Ўзбекистон тарихи, адабиёти, маданияти ва маданияти ва санъати бутун жаҳонда бўлгани каби хитойда ҳам катта қизиқиш уйғотиб келмоқда. 2003 йили Хитойдаги Чанъчунъ шаҳрида буюк мусавир бобоколониимиз Камолиддин Бехзод хайкали қад раслади. Ушбу ёдгорлик муаллифи ҳамюртимиз, таниқли хайкалтарош Равшан Миртожиевдир ² пекиндаги тасвирий санъат музейида эса ўзбек мусавирларининг ва фотоусталарининг кўргазмаси ташкил этилди. Қатор ижодий жамоларимиз “Шодлик ансамбили” ХХРсининг бир неча шаҳарлари ахлини санъатимиздан баҳраманд этдилар. Анъанавий Пекин Халқаро маданият ва туризм фестивалида Қува туманининг “анор” ашула ва рақс ансамбли, пойтахтимиздаги Ибн Сино номли маданият маркази “Умид” гуруҳининг мусиқий чиқишлари Хитойлик ихлосмандларга айниқса, манзур бўлди. “Нихол” мукофотининг совриндори ирода Йўлдошева Шанхайда ўтган Осиё халқаро мусиқа фестивалида муваффақиятли иштирок этган эди.

¹ Фидоеор 2005 йил 26 май

² Халқ сўзи 2004 йил 2 июнь

2004 йил 11-15 июнь кунлари Хитой маданияти кунларида қатор халқаро танловлар совриндори-“Туань Чжоу” цирки Хитой миллий чолғу оркестри ва бошқа жамоалар ўзларининг энг яхши мусиқий, бадий ва бошқа дастурлари билан пойтахтимизнинг “Туркистон”, А.Навоий номидаги давлат академик катта театри, Ўзбекистон Давлат консерваториясида, Самарқанд шаҳрида, вилоятнинг Х.Олимжон номидаги мусиқа ва драма театри улар ихтиёрига бериб қўйилди. 2005 йилнинг май ойида ХХРсида Ўзбекистон маданияти кунлари ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан бу тадбирни юксак савияда ўтказиш учун ташкилий ижодий гуруҳлар тизилди. Бош режисёр, Ўзбекистон халқ артисти баходир Йўлдошев, сценарий муаллифи Х.Даврон, сахналаштирувчи режисёр В.Умаров, балитлестр, ўзбекистон халқ артисти Қ.Мўминов, мусиқачи Ҳ. Исмоилов, Ўзбекистонда хиёнат кўрсатган артист Ҳ.Азимов, бош рассом А.Собировлар Хитойда бўлишиб ўзларининг юксак асар намуналарини намойиш қилдилар. Ўзбекона миллий анъаналар руҳида суғорилган дилрабо кўшиқлар ва гўзал рақслардан иборат катта дастурда Ўзбекистон халқ артистлари М.Йўлчиева, З. Бойхонова, Ў. Саиджонов, А.Исмоилов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Х.Азимов, М. Дадабоев, Е.Тўхтаева, а.Ниязметова “Баҳор” “Тановар”, Ўзбекистон раққосалар ансамбли ва бир қанча ёш санъаткорлар ҳамда бошқа кўнгил очар чиқишлар Хитойда намоиш этилди.¹ Булардан ташқари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим ва зирлиги билан Хитой таълим вазирлиги ўртасида Тошкентда 2004 йил июнь ойида конфуций номидаги институтни ташкил этиш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланади.² Натижада 2005 йил май ойида тошкент давлат Шарақшунослик институтида очилиб ишга туширилди. Бу икки томонлама ҳамкорлик асосини таълим соҳасидаги ўзаро талабалар ва кадрлар алмашинуви алоҳида аҳамият касб этди. Тошкент

¹ Фидокор 2005 йил 28 апрель

² Фидокор 2005 йил 26 май

ва шарқ, Бухоро ва Хубэй, Тошкент вилояти ва Шаньси провинциялари ўртасида ҳамкорлик ўрнатилган.¹

Хулоса қилиб айтганда Ўзбекистон Республикаси ва ХХРси жуғрофий маънода яқин қўшнилар, сиёсий жихатдан-яхши дўстлар ва иқтисодий жихатдан-ишончли шериклардир. Шак шубҳасиз, бу икки давлат ўртасидаги дўстона алоқалар ва ўзаро фойдали ҳамкорликлар бундан кейин янада ривож топади. Бунинг имкониятлари эса чексиздир. ХХРси фан академиясининг “Хитой модернизациялаш-2005” маълумотларига қараганда Хитой 2080 йилга бориб, тараққий этган давлатга, яна йигирма йилдан сўнг энг ривожланган мамлакатлар ўнлигига кириши қайд этилган. Хитой Халқ Республикаси аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилаётган ялпи маҳсулотларнинг ҳажми бўйича жаҳон иқтисодиёти юқорида жойлашган давлат ҳисобланади.²

¹ Халқ сўзи 2004 йил 16 июнь

² Туркистон 2005 йил 23 феврал.

ХУЛОСА

XX аср охирида Ватанимиз миллий иқтисодиётининг жаҳон иқтисодиёти билан уйғунлашуви жараёнида қайси томон устунлик қилади. Ғарбий ёки шарқий, Шимолий Америка бозори томон борамизми ёки Ғарбий Европа ёки Осиё бозори сари юрамизми деган савол кўндаланг турар эди. Президентимиз Ислам Каримов бошчилигида Ўзбекистон ҳукумати делегациясининг дастлабки расмий ташрифиларининг Хитой, Хиндистон, Туркия, Жанубий Корея, Малайзия ва Индонезия, Саудия Арабистони Покистон бўйлаб бўлганлигининг ўзи бу саволга аниқлик киритди. Ташқи сиёсатда Осиё олими нафақат геополитек, шу бирга барча анъанавий, тарихий аҳамиятга ҳам эгадир.

Бозор муносабатларининг Осиёвий ходиса эканлигига бугун тўла асослар бор. Бозор муносабатларининг асосий унсурларидан бири хисобланадиган пул (танганинг) ватани кичик Осиёдаги Лидия (лилоддан аввалги II аср) давлати бўлган бўлса, хитой қоғоз пул ватани хисобланади.

Буюк ипак йўли Хитой Мовороуннахр Туркустоннинг бозор маданиятига қўшган буюк хиссаси ҳам бор гап. Дарё ўз ўзанидан орқада, деган нақл бор халқимизда. XXI сарнинг Осиё эркаси бўлиши борган сари назариядан реалликка айланмоқда. Яқинлашиб келаётган келгуси юз йиликда Тинч Океани хавзасидаги жойлашган Осиё бозори энг истиқболли, энг бой, ривожланиш энг арзон бозор бўлиши керак. ХХРси фанлар академиясининг “Хитойни модернизациялаш-2005” маъруза маълумотларида айтилишича хитой 2080 йилга бориб тақакқий топган давлатга, яна йигирма йилдан сўнг эса, энг ривожланган мамлакатлар ўнлигига кириши қайд этилган. Олимларнинг фикрича, иқтисоднинг бундай суръатлар билан ўсиб бориши 2050 йилда жадаллашади ҳамда мамлакат кучли қирқликда жой эгаллайди.

Ана шундай иқтисодий салохиятли давлат билан ҳамкорлик қилиш Ўзбекистон учун хар томонлама қулайдир. Юртбошимиз Ислам Каримовнинг шу йили 205-28 майда ХХРсида бўлиши ва бу давлат 60дан ортиқ хужжатларнинг имзоланишининг ўзи буни тасдиқлаб турибди.

Аслини олганда икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий, маданият ва бошқа алоқалар мустахкам тарихий илдизларга эга Ўзбекистон Республикаси ва Хитой қадимдан буюк ипак йўлининг қайноқ марказидаги давлатлар бўлиб, улар ана шу улуғ ҳамкорлик йўлининг фаол бунёдкорлари бўлиб келганлар. Ўзбекистон ва Хитой азалий дўст ва ҳамкор мамлакатлар ҳисобланиб, бундай биродарлик 1994 йилда икки давлат ўотасида тузилган “Ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш ва чуқурлаштиришнинг асосий принциплари тўғрисида”ги Декларацияда ҳам ўз аксини топди.

Хозирги кунда иккала давлатнинг ўзаро муносабатлари ушбу 1994 йилда қабул қилинган ва 1999 йилда қабул қилинган “ўзаро дўстлик ва ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисида”ги Декларация асосида равноқ топиб келмоқда. Давлатларимиз ўртасида иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқалар фаол ҳамкорлик ўрнатилган. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, иккала давлат жуғрофий маънода-яқин қўшнилар сиёсий жихатдан ёхши дўст ва иқтисодий жихатдан ишончли шериклардир. Шак шубҳасиз, бу икки давлат ўртасидаги дўстона алоқалар ва ўзаро фойдали ҳамкорликлар бундан кейин янада кенг ривож топиб бораверади. Бунинг имкониятлари эса чексиздир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. 1992
2. Каримов И.А. Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. 1993 й.
3. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. 1994 й.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида. 1995
5. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари. 1995 й.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари 1999 й.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. 1996 й.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлида 1994 й.
9. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. 2008 й.
10. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 1997 й.
11. Жахон мамлакатлари справочник-Т Ўзбекистон 1985 й. 222-227бет
12. Н.Тўхтаев, Бозордан бошқа йўл йўқ-Т, “Ўзбекистон” 1999й 111 бет
13. қисқа сиёсий луғат-Т, “Ўзбекистон” 1983 йил 120 бет
14. Ўзбекистон тарихи 11-синф учун дарслик-Т, “шарқ”, 1998й 338 бет
15. Энг янги тарих 11-синф учун дарслик-Т “Ўқитувчи” 1995й 209-2010
16. Инсон ва сиёсий (журнал) 1991 йил 5-сон, 82-88 бетлар
17. INONCN 2001йил, 19 январь
18. Ишонч 2003 йил 6 сентябр
19. Ишонч 2004 йил 29 май
20. Ишонч 2005 йил 10 май
21. Маърифат 1999 йил ноябрь
22. Маърифат 2003 йил 10 сентябрь
23. Туркустон 2005 йил 23 февраль
24. Халқ сўзи 1994 йил 13 август
25. Халқ сўзи 2001 йил 18 декабрь
26. Халқ сўзи 2002 йил 12 февраль
27. Халқ сўзи 2002 йил 5 март
28. Халқ сўзи 2002 йил 22 ноябрь
29. Халқ сўзи 2003 йил 23 апрель
30. Халқ сўзи 2003 йил 5-сентябрь
31. Халқ сўзи 2004 йил 9 июнь
32. Халқ сўзи 2004 йил 16 июнь
33. Халқ сўзи 2004 йил 18 июнь
34. Халқ сўзи 2005 йил 15 март
35. Халқ сўзи 2005 йил 11 май
36. Халқ сўзи 2005 йил 27 май
37. Фидокор 2005 йил 28 апрель
38. Фидокор 2005 йил 26 май

**Укув методик кенгашининг 3-апрель
2002 йилги 5-баён номаси билан
тасдиқланган**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

_____факультети

Битирувчи _____ нинг
(Ф.И.Ш)

мавзуидаги битирув малакавий ишига ДАКнинг
ХУЛОСАСИ

Термиз давлат университети ДАК Олий ва урта махсус таълим вазирлиги БМИ ни
бажариш хакида 31.12.98. йил 362-сонли буйруги билан тасдиқланган Низомга асосан
куйидагиларни аниқлади:

1. БМИнинг ҳажми ва талаб буйича расмийлаштирилганлиг (меёр: тиббий йуналишлар-50 бетдан, ижтимоий-гуманитар-70 бетдан кам бўлмаслиги керак): талабга жавоб беради-_____ балл
2. талабга қисман жавоб беради- _____ балл
3. талабдан четга чиқиш ҳолатлари мавжуд _____ балл
4. Мавзунинг давлат ва университет грант дастури асосида ёки долзарб муаммолар буйича танлаганлиги: давлат дастурига кирган _____ балл
5. Грант лойиҳаси буйича _____ балл
6. ТерДУ дастури буйича _____ балл
7. долзарб муаммолар буйича _____ балл
8. Мавзунинг долзарблиги асосланганлиги: етарли даражада асосланган _____ балл
9. Етарли даражада асосланмаган _____ балл
10. ноаниқ _____ балл
11. Мақсад ва вазифаларнинг аниқ; ифодаланганлиги: аниқ, -7 балл,
12. тулиқ аниқ эмас -5 балл,
13. аниқ эмас-3 балл,
14. БМИ бажаришда илмий текшириш методлардан фойдаланганлик даражаси тула балл
15. қисман _____ балл
16. етарли эмас _____ балл
17. Олдинги натижаларнинг янгилиги ва ишончлилиги даражаси натижанинг _____ балал
18. илгари олинган _____ балл
19. тула ишончли эмас _____ балл
20. БМИнинг хулоса қисмида ишлаб чиқаришга тавсия берилганлиги: бевосита шўлаб чиқаришга тавсия бор _____ балл
21. ижтимоий соҳада қўллашга (таълим, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, маънавин-маърифий..) тавсия қилинган _____ балл
22. Тавсия йўқ _____ балл
23. Битирувчининг мавзу буйича олинган натижаларини танқидий баҳолаганлиги даражаси: аниқ _____ балл
24. Тула аниқ эмас _____ балл
25. Танқидий баҳоланмаган _____ балл
26. Ишнинг илмий ҳарактери: илмий тадқиқотлар асосида _____
27. Аралаш шаклда _____ балл
28. Рефератив ҳарактерда _____ балл
29. Адабиётлардан фойдаланганлик даражаси: илмий-амалий журналлар, монограф. етакчи олимлар асарларидан тула фойдаланганлиги _____ балл

30. факат дарслик маъруза матнлари, укув кулланма ва маълумотномалардап:
фойдаланилган балл
31. Битирувчининг маърузасига баҳо, аъло _____ балл
32. яхши _____ балл
33. коникарли _____ балл
34. Берилган саволларга жавоблари: тулик _____ балл
35. урта _____ балл
36. конкарли _____ балл
37. БМИни ташки такризчи томонидан баҳоланиши: аъло _____ балл
38. яхши _____ балл
39. коникарли _____ балл
40. БМИга куйилган якуний балл

(100 балл)

Эслатма: ҳар бир банд бўйича аниқланган баллнинг тагига чизиб белгиланади

ДАК раиси _____

Ф.И.Ш. имзо

Аъзоллари: _____

Ф.И.Ш. имзо

Ф.И.Ш. имзо

Ф.И.Ш. имзо

Муҳир ўрни

2011 йил

сана

« _____ » _____